

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМІЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2021.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМІЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШУКУРОВ ОТАБЕК УЛАШЕВИЧ**

**ЎЗБЕК ТИЛИ ЗАМОНАВИЙ ЎЗЛАШМАЛАРИНИНГ  
ЭВОЛЮЦИЯСИ, ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ВА ЛЕКСИКОГРАФИК  
ТАЛҚИНИ МАСАЛАЛАРИ  
(мустақиллик даври)**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қарши – 2022**

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора наук (DSc) по  
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of Doctor of Science (DSc) on  
philological sciences**

**Шукуров Отабек Улашевич**

Ўзбек тили замонавий ўзлашмаларининг эволюцияси, трансформацияси ва лексикографик талқини масалалари (мустақиллик даври)..... 5

**Shukurov Otabek Ulashevich**

Issues of evolution, transformation and lexicographic interpretation of modern borrowings of the Uzbek language (independence period) ..... 29

**Шукуров Отабек Улашевич**

Вопросы эволюции, трансформации и лексикографической интерпретации современных заимствований узбекского языка (период независимости)..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 59

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМІЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2021.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМІЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШУКУРОВ ОТАБЕК УЛАШЕВИЧ**

**ЎЗБЕК ТИЛИ ЗАМОНАВИЙ ЎЗЛАШМАЛАРИНИНГ  
ЭВОЛЮЦИЯСИ, ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ВА ЛЕКСИКОГРАФИК  
ТАЛҚИНИ МАСАЛАЛАРИ  
(мустақиллик даври)**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қарши – 2022**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.DSc/Fil409 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Қарши давлат университети веб-саҳифасида ([www.qarshidu.uz](http://www.qarshidu.uz)) ҳамда "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

Менглиев Бахтиёр Ражабович  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

Пардаев Азамат Бахронович  
филология фанлари доктори, профессор

Собиров Абдулхай Шукурович  
филология фанлари доктори, профессор

Маматов Абдугофир Эшонкулович  
филология фанлари доктори, профессор


**Етакчи ташкилот:**

Термиз давлат университети


Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2021.Fil.70.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "5" декабрь соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz). Қарши давлат университети, 2-бино, 202-хона.

Диссертация билан Қарши давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (134 -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел. (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил "23" ноябрь кuni тарқатилди (2022 йил "23" ноябрь даги 10 рақамли реестр баённомаси).

  
Н.Н.Шодмонов  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси,  
филология фанлари доктори,  
профессор

  
Г.Н.Тожиева  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби,  
филология фанлари доктори  
(DSc), доцент

  
Х.Жабборов  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси,  
филол.ф.д., профессор



### **КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида йигирманчи аср охирларидан бошлаб ўз она тилини ва унинг миллий табиатини сақлаб қолишга интилаётган ҳар бир халқ учун замонавий ўзлашмалар масаласи алоҳида аҳамият касб эта бошлади. Халқаро миқёсдаги глобаллашув жараёнида Интернет феноменининг сезиларли кучга эга бўлиши, ўз навбатида, тиллараро сўз ўзлаштиришнинг фаоллашуви ва замонавий ўзлашмаларнинг тиллараро хаотик ёйилиши билан боғлиқ долзарб муаммоларни юзага чиқармоқда. Шу сабабли дунё тилшунослигида реципиент тилдаги замонавий ўзлашмаларнинг муқобилларини тўғри аниқлаш, тавсифлаш ва уларнинг изоҳли луғатини яратиш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда янги ўзлашаётган бирликларни таркибий-мазмуний таҳлиллар асосида ўрганиш ва ўзлаштиришда тилнинг миллий табиатига мувофиқлиги, ассимиляцияси ҳисобга олиниши муҳимлигини талаб этмоқда.

Дунё тилларининг маданиятлараро глобаллашуви шароитида уларнинг ўз онтологик табиатини сақлаб қолиши, актуал лексикада ўз қатлам сўзлари фаоллигини таъминлаб бориш, такомиллашаётган сунъий интеллектга тилнинг алгоритмик дастурини тайёрлаш ишлари доирасида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, сўз ўзлаштириш масаласи янги соҳа бўлган неология ва неографиянинг истиқболли йўналишлари доирасида тил системасидаги лексика, луғатчилик, лингвوماданиятшунослик ҳамда чоғиштирама тилшунослик соҳалари билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этиляпти.

Ўзбек тили лексикасига аксарият замонавий ўзлашмалар рақамли медиа орқали кириб келмоқда. Муҳими, истиқлолгача бўлган давр сўз ўзлаштирилишида рус тилининг воситачилик роли етакчилик қилган бўлса, янги давр ўзлашмаларининг эса европа тилларидан тўғридан-тўғри сўз олиш асосида барқарорлашиши кузатиляпти. Сўз ўзлаштириш жараёни жиддий фаоллашгани сабабли ўзбек тилининг онтологик хусусиятларини кўпроқ ҳисобга олиш, ўзлашмаларни тилнинг миллий табиатига мувофиқ ҳолда қабул қилиш эҳтиёжи ҳам ортиб борапти. “Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада, аввало, ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир”<sup>1</sup>. Мазкур вазифалардан келиб чиққан ҳолда, хусусан, мустақиллик даври ўзлашма сўзларининг талқини, адабий тил лексик қатламининг генетик манбалари, лексик фондга таъсир этувчи омиллар, ўзлашмаларнинг лексикографик тавсифи, семантик тараққиёти ва трансформацияси каби масалаларнинг ўрганилиш заруратини тақозо этади. Бу эса бевосита танланган мавзунинг долзарблиги ва заруратини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ- 4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

“Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари; 2020 йил 29 январдаги 40-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссиясининг фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертациянинг илмий натижалари маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялар ҳамда инновацион ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Ўзлашма сўзларнинг назарий ва амалий масалаларини тадқиқ қилишга қаратилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Oxford University (Англия), California State University, Northern Arizona University, Northern Illinois University, (АҚШ), Goethe Universität, Humboldt Universität (Германия), Tokyo University (Япония), Москва давлат лингвистика университети, А.С.Пушкин номидаги рус тили давлат институти, Псков давлат университетида (Россия), бундан ташқари, Самарқанд давлат университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Наманган давлат университети, ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Қарши давлат университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Дунё тилшунослигида ўзлашмаларни тизимли аспектда ўрганиш, уларнинг семантик структурасида содир бўладиган ўзгариш ва лингвистик жараёнларни таҳлил қилиш, терминологик бирликларни тартибга солиш ва меъёрлаштиришга йўналтирилган тадқиқотлар натижасида қатор илмий хулоса ва натижалар олинган: русча-инглизча ўзлашмаларнинг қиёсий таҳлили амалга оширилган (А.С.Пушкин номидаги рус тили давлат институти, Москва давлат лингвистика университети, Россия Федерацияси), ўзлашмалар семантик жиҳатдан таҳлил этилган (Псков давлат университети, Қозон федерал университети, Россия Федерацияси), ўзлашмаларнинг терминологик маъно ва умумлексик маъно муносабати таҳлил қилинган (Oxford University Language Centre, Англия; Sorbonne College de france, Франция); Туркий тилларда инглизча ўзлашмалар таҳлили (Озарбайжон Миллий Фанлар Академияси Насимий номидаги Тилшунослик институти, Озарбайжон), ўзлашма сўзлар онтологияси ва сўз ўзлаштириш назарияси тадқиқи (Абай

---

<sup>2</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи [www.pushkin.institute.ru](http://www.pushkin.institute.ru), [www.lingvolive.com/ru](http://www.lingvolive.com/ru), [www.dictionary.com](http://www.dictionary.com), [www.merriam-webster.com](http://www.merriam-webster.com), [www.macmillan dictionary.com](http://www.macmillan dictionary.com), [www.learners dictionary.com](http://www.learners dictionary.com), [www.oxford advanced learners dictionary.com](http://www.oxford advanced learners dictionary.com), [www.en.wikipedia.org](http://www.en.wikipedia.org), [www.learnenglishkids.britishcouncil.org](http://www.learnenglishkids.britishcouncil.org), [www.multitran.ru](http://www.multitran.ru) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

номидаги Қозоқ миллий педагогика университети, Қозоғистон), рус неологияси ва неографияси масалалари (А.М.Горкий номидаги Урал давлат университети, Россия Федерацияси), Украина электрон оммавий ахборот воситаларида инглизча ўзлашмалар талқини (Осло университети, Норвегия), инглиз тилида арабча, форс-тожикча ўзлашмаларнинг ўрганилиши (Хўжанд давлат университети, Тожикистон), ўзлашма сўзлар электрон луғатини яратиш (Northern Arizona University, Northern Illinois University, Columbia University, АҚШ, University of Toronto, Канада, University of Leipzig, Германия; Peking University, ХХР).

Жаҳон тилшунослигида ўзлашмалар ва уларни тизимли ўрганиш муаммоларининг ечими хусусида қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: лексикада сўз ўзлашиш жараёни, ўзлашма ва неологизмлар луғатини тузиш, ўзлашмаларнинг этимологияси, генетик манбалари, семантик хусусиятлари, лексикографик тавсифи, қиёсий таҳлили ҳамда сўз ўзлашиши фаоллашуви шароитида Интернет дискурсининг ўрнини ўрганиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзлашмалар муаммосига бағишланган жаҳон тилшунослигида қатор тадқиқотлар мавжуд. Хусусан, инглиз тадқиқотчиларидан У.Вайнрайх, Э.Хауген, А.Патриция, Р.Филлипсон<sup>3</sup>ларнинг, рус тилшунослигида И.А.Бодуэн де Куртене, Л.П.Ефремов, Л.В.Щерба, Л.П.Крысин, В.М.Аристова, А.К.Казкенова, С.Алаторцева, М.В.Тарасова<sup>4</sup>ларнинг, туркий тиллар доирасида эса В.А.Сичева, С.С.Кенесбаева, А.Овезов, Г.Мирзоева<sup>5</sup> кабиларнинг ишларида изчил ўрганилган.

Ўзбек тилшунослигида ўзлашма сўзлар муаммолари ўз даври эҳтиёжига кўра ўрганиб келинди. Уларнинг тадқиқи<sup>6</sup> соҳанинг турли аспектига мувофик

<sup>3</sup>Weinreich U. Languages in contact: Findings and problems. – New York, 1953. – 149 p.; Haugen E. The analysis of linguistic borrowing // Language. – New York: 1950. Volume, 26. № 2, 1950. – P. 210-231.; Patrizia A. Lexical Innovation in World Englishes: Cross-fertilization and Evolving Paradigms. – London: Routledge, 2018. – 174 p.; Phillipson R. Linguistic imperialism. – Oxford: Oxford University Press, 1992. – 365 p.

<sup>4</sup>Бодуэн де Куртене И.А. Избранные труды по общему языкознанию. В 2 томах. Том II. – М.: АН, 1963. – С. 365.; Ефремов Л.П. Сущность лексического заимствования и основные признаки освоения заимствованных слов: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Алма-Ата, 1959. – 22 с.; Щерба Л.В. О понятии смешения языков // Избранные работы по языкознанию и фонетике. –Т. 1. – Л., 1958. – С. 40-53; Крысин Л.П. Иноязычные слова в современном русском языке. – М.: Наука, 1968. – 208 с.; Аристова В.М. О лексических заимствованиях из английского языка в русский язык в XVII-XVIII вв. – М.: Высшая школа. – 1978. – 113 с.; Казкенова А.К. Онтология заимствованного слова. – М.: Флинта, 2013. – 248 с.; Алаторцева С.И. Проблемы неологии и русская неография: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – СПб., 1999. – 40 с.; Тарасова М.В. Семантические изменения английских заимствований в русском и немецком языках в условия глобализации: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Белгород, 2009. –19 с.

<sup>5</sup>Сичева В.А. Арабские и персидские лексические заимствования в гагаузском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М.: 1974. – 26 с.; Кенесбаева С.С. Фонотактические модели арабизмов в казахском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Алма-Ата, 1987. – 28 с.; Овезов А. Персидские и арабские заимствования в современной туркменской поэзии: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Л., 1974. – 28 с.; Мирзоева Г. Английские заимствования в тюркских языках // Молодой вчений. Херсон. №12 (88) 2020. – С. 69-72.

<sup>6</sup>Абдуллаев Ф.А. Арабизмы в узбекском языке: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент: 1946. – 143 с.; Хамдамов Ж. Из истории русского языка в обогащение лексики узбекского языка (вторая половина XIX века): Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент: 1963. – 24 с.; Данияров Р.И. Заимствование русско-интернациональных личных имен узбекским языком: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1967. – 21 с.; Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985. – 200 б.; Ҳожиев А. Совет даврида ўзбек адабий тилининг таракқиёти. III жилдли. III жилд. Сўз ясаилиши ва лексика. – Тошкент: Фан, 1988. – 188 б.; Нишонов А.Х. Фонетико-морфологический и лексико-семантический анализ арабизмов в языке А.Навои: Автореф. дисс. ... канд. фил. наук. – Тошкент, 1990. – 19 с.; Жуманиёзов О. Ўзбек тилидаги герман тиллари ўзлашмалари. Монография. – Тошкент: Фан, 1987. – 104 б.

собик Шўро даврида тадрижан давом этди. Шунингдек, мустақиллик йилларида Т.Раҳмонов, А.Тўрахожаева, У.Кўзиев, Ш.Жўраев, Н.Исакова, Э.Давлятова<sup>7</sup> каби тилшуносларнинг ишлари алоҳида эътиборга лойиқ. Бундан ташқари, лексикадаги ўзлашма сўзларни тавсифлаш алоҳида мақсад қилинган қатор луғат<sup>8</sup>лар ҳам яратилди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур иш Қарши давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасидаги “Ўзбек тилшунослигининг назарий ва амалий масалалари” мавзусидаги тадқиқот доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек тили мустақиллик даври ўзлашмаларининг генетик манбаларини аниқлаш, структур, семантик ва лексикографик хусусиятларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўзбек тили лексикасида замонавий ўзлашмаларнинг ўрни ва лексик фондга таъсир қилувчи омилларни белгилаш;

неологизмлар ва уларнинг илмий талқини юзасидан тилшуносликда мавжуд назариялар талқини ва уларнинг барқарорлашувига боғлиқ жиҳатларни илмий асослаш;

бевосита ва билвосита сўз ўзлаштириш усулининг лексикада роль ўйновчи жиҳатини белгилаш;

ўзбек тилининг лексик таркиби статистикасини аниқлаш;

замонавий ўзлашмаларнинг семантик тараққиёти ва трансформацион даражаланишини илмий асослаш;

янги ўзлашмаларнинг лексикографик тавсифи муаммолари ва вазифаларини ёритиш;

синергетик жараёнда янги ўзлашма сўзлар лексемалашувининг ўзига хос имкониятларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг объектини** ўзбек тилининг мустақиллик даври ўзлашмалари, лексикага барқарорлашаётган неологизмлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** ўзбек тилидаги янги ўзлашмаларнинг эволюцияси, трансформацияси ва лексикографик тадқиқидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда тавсифлаш, семантик, компонент, қиёсий-чоғиштира, тарихий-генетик ҳамда статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

<sup>7</sup> Раҳмонов Т.И. Ҳозирги ўзбек тилидаги арабча ўзлашма сўзлар семантик тузилишидаги ўзгаришлар: Филол. фан. номз. ... дисс. – Наманган, 1994. – 120 б.; Тўрахожаева А.Х. Мустақиллик шароитида ўзбек тили ижтимоий-сиёсий лексикасининг тараққиёти: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2012. – С. 26; Кўзиев У.Я. Ўзбек тилидаги изоҳли луғатларда ўзлашма сўзлар тадқиқи: Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. автореф. – Фарғона, 2018. – 44 б.; Исакова Н. Мустақиллик йилларида ўзбек тилига кириб келган хорижий сўзларнинг таркибий-мазмуний таҳлили (“Халқ сўзи” газетаси материаллари асосида): Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) ... дисс. – Самарқанд, 2021. – 143 б.; Давлятова Э. Мустақиллик даври ўзбек тилидаги ғарбий европа ўзлашмаларнинг маданиятлараро тадқиқи: Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. автореф. – Термиз, 2021. – 58 б.

<sup>8</sup> Усмонов О., Дониёров Р. Ўзбек тилидаги русча-интернационал ўзлаштира сўзлар изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 1965. – 581 б.; Hamrayeva Y. O‘zbek tilining o‘zlashma so‘zlar o‘quv izohli lug‘ati. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2007. – 122 b.; Qurbonova M., Abjalova M., Axmedova N., To‘laboyeva R. O‘zbek tili o‘zlashma so‘zlarining urg‘uli lug‘ati. – Toshkent: Nodirabegim, 2021. – 988 b.; Бектемиров Х., Холмедов Х., Содиков С. Ҳуқуқшуносликка оид ўзлашма терминлар. – Тошкент: Адолат, 1999. – 68 б.; Сулаймонова Н., Абузалова М. Ўзбек тилидаги арабий сўзлар имлоси. – Тошкент: Фан ва технология, 2008. – 132 б.



### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

замонавий ўзлашмалар феномени глобаллашув ва ахборот технологиялари омили таъсирига кўра бугунги кун дунё инновациялари неонеоминацияларининг ўзбек тилига тез ва осон қабул қилиш йўли сифатида шаклланаётгани исботланган;

глобаллашув жараёнида неологизмларнинг лексикада фаоллашуви неографик луғатларни яратишга ҳамда неологизмларнинг серияли луғатларини шакллантириб боришга эҳтиёж пайдо қилаётгани асосланган, нейм неологизмларнинг бизнес тилини яратувчи восита экани очиб берилган;

ўзбек тили лексикасининг генетик манбаларига статистик жиҳатдан аниқлик киритилиб, янги давр ўзлашмаларининг семантик жиҳатдан трансформацион даражаланиши манба тилидаги асос маъносини сақлай олиш имкониятига таяниши исботланган;

замонавий ўзлашмаларни умумий ва ўқув изоҳли луғатларга киритишда актуал лексикадаги ўрни аҳамиятли экани, бундай жараёнда кўпроқ тилнинг ички манба йўллари таяниш, зарур ўринларда калькалаш усулидан фойдаланиш муҳимлиги очиб берилган;

синергетик жараёнда янги ўзлашма birlikлар лексемалашуви уларнинг манба тил ассоциациясининг реципиент тилда шаклланиши учун имплицит (яширин) имконият яратиши далилланган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

мустақиллик даври ўзлашмаларининг генетик манбалари, типик хусусиятлари, семантик эволюцияси ва трансформациясини тадқиқ этиш орқали чиқарилган илмий-назарий хулосалар сўз ўзлаштириш масалаларини ўрганувчи тадқиқотчилар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилиши далилланган;

ўзбек тили янги ўзлашмаларининг умумий ва ўқув изоҳли луғатларда берилиши билан боғлиқ муаммо ва вазифалар очиб берилган;

лексикага барқарорлашаётган неологизмларнинг луғатини яратиш борасидаги назарий фикрлар шу соҳа изланишларида кўрсатма вазифасини бажариши асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** лингвистик таҳлил методологияси асосида шакллантирилгани, бирламчи илмий-услубий манбаларга таянилгани, ишончли ва самарали тавсифлаш, таснифлаш, компонент таҳлил, семантик, қиёсий-чоғиштира, тарихий-генетик ҳамда статистик таҳлил усулларида фойдаланилгани, назарий фикр ҳамда хулосаларнинг амалиётга татбиқ қилингани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тили янги давр ўзлашмаларининг тадрижий тараққиёти, ўзбек тили лексикологияси, семасиологияси, луғат тузиш назарияси, адабий тил лексик қатламининг генетик манбалари, неологизмларни ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тилшунослик, хусусан, ўзлашмалар луғатини яратиш амалиёти, “Лексикография асослари”, “Ҳозирги

Ўзбек адабий тили”, “Ўзбек тили семасиологияси” фанларидан дарслик ҳамда ўқув қўлланмалар яратиш, тил маданиятини тарғиб этиш, оммавий ахборот воситаларида давлат тилини ривожлантиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Дунё ҳамда ўзбек тилидаги замонавий ўзлашмаларни ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида:

замонавий ўзлашмалар феномени глобаллашув ва ахборот технологиялари омили таъсирига кўра бугунги кун дунё инновациялари неономинацияларининг ўзбек тилига тез ва осон қабул қилиш йўли сифатида шаклланаётганига оид назарий фикрлар ҳамда фактик материаллардан 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) бакалавриат таълим йўналиши учун мўлжалланган “Ҳозирги ўзбек тили” дарслигининг “Лексика, лексик-семантик сатҳ, лексикология ва лексикография” деб номланган қисмини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 27 мартдаги 274-сон буйруғига мувофиқ 274-312 рақами асосида рўйхатга олинган). Натижада дарсликдаги янги ўзлашмалар талқинига оид маълумотлар назарий ва амалий жиҳатдан бойитиш имконини берган;

глобаллашув жараёнида неологизмларнинг лексикада фаоллашуви неографик луғатларни тузиш ва мунтазам равишда шакллантириб боришга эҳтиёж яратиши, нейм неологизмларнинг бизнес тилини яратувчи восита эканига оид хулосаларидан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган I-OT-2019-42 рақамли “Ўзбек ва инглиз тилларининг электрон (Инсон қиёфаси, феъл-атвори, табиат ва миллий тимсоллар тасвири) поэтик луғатини яратиш” номли инновацион лойиҳада фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 28 июндаги 15-2157-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида банк-молия терминларининг кўп тилли луғатларини яратишда янги ўзлашмаларнинг семантик ва лексикографик хусусиятларини ёритишга доир янги илмий маълумотлар билан бойитиш имконини берган;

замонавий ўзлашмаларни умумий ва ўқув изоҳли луғатларга киритишда актуал лексикадаги ўрни аҳамиятли экани, бундай жараёнда кўпроқ тилнинг ички манба йўлларига таяниш, зарур ўринларда калькалаш усулидан фойдаланиш муҳимлиги очиб берилганига доир хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф1-Г003 рақамли “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” мавзусидаги, 2017-2020 йилларда бажарилган Ф3-2016-0908165532 рақамли “Қорақалпоқ тилининг янги алифбоси ва имло қоидаларига мувофиқ она тили ва адабиётини ривожлантириш методикаси” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалининг 2022 йил 22 июлдаги 167-1-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида лойиҳа материаллари ўзлашмаларнинг

янги сўз ясаши билан боғлиқ хусусиятлари, уларнинг умумий ва изоҳли луғатларда берилишига оид янги илмий маълумотлар билан бойитиш имконини берган;

синергетик жараёнда янги ўзлашма бирликлар лексемалашуви уларнинг манба тил ассоциациясининг реципиент тилда шаклланиши учун имплицит (яширин) имконият яратиши далилланганига оид хулосаларидан Қашқадарё вилоят телерадиокомпаниясининг “Олтин воҳа” дастуридаги “Очиқ мулоқот” радиоэшиттиришининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Қашқадарё вилоят телерадиокомпаниясининг 2022 йил 23 июндаги 17-05/201-сон маълумотномаси). Натижада мазкур радиоэшиттириш учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукаммаллашган, илмий далилларга бой бўлиши таъминлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та илмий мақола, жумладан, 2 таси хорижий журналда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми – 255 саҳифа.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, мақсад ва вазифалари берилган, объекти ва предмети тавсифланган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, жорийланиши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Замонавий ўзбек тили лексикасининг таракқиёт тенденциялари ва омиллари”** деб номланган. Бобнинг **“Глобаллашув жараёнида тиллар муносабати ҳамда лексик фондга таъсир этувчи омиллар”** деб номланган биринчи бўлимда сўнги йиллардаги глобаллашув шароити, бошқа соҳалар каби, тил феноменига ҳам ўзининг сезиларли таъсирини ўтказа бошлагани, бу жараёнда тилнинг хавфсизлиги, ривожланиш тенденциялари ва рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида тилшунослар томонидан ҳамда ҳукумат даражасида бажариладиган вазифалар белгилаб олинishi муҳимлигига эътибор қаратилган. Бундан ташқари, тилнинг лексик базасига таъсир ўтказаётган муҳим факторлар ҳам ўрганилган бўлиб, буларнинг барчаси таълим жараёни узлуксизлигида давлат тили ўқитилишини прагматик ва антропоцентрик мазмунда ташкил этиш, ёшларга сўз ўзлаштириш ва хорижий сўзларга бўлган муносабатнинг адекват

йўлларини тушунтириш масалалари талқинида устувор аҳамият касб этиши изоҳланган.

Сунъий интеллект, Интернет бошқарувида етакчилик қилаётган ва шу орқали ўз инновациялари номларини реципиент тилларга мунтазам равишда сингдириб бораётган нуфузли тилларнинг таъсири қисқа вақт ичида катта ҳажмдаги ўзлашмалар кўламини ҳосил қилди. Бундай конъюнктура учун тилларнинг ўзаро алоқаси, ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, савдо-сотиқ, маданий алоқа, миграция, урбанизация, фан-техниканинг ривожланиши, Интернет дискурси, рақамли медиа ва ижтимоий тармоқ кабилар кучли таъсир воситалар ҳисобланади. Айни пайтда бундай омиллар лексикасига жиддий таъсир ўтказувчи аҳамиятга эга.

Бобнинг **“Сўз ўзлашишининг ўрганилиш тарихи: муаммо ва вазифалар”** деб номланган иккинчи бўлими алоҳида аҳамиятга эга. Жаҳон тилшунослигида ўзлашма сўзларнинг ўрганилиши И.А.Бодуэн де Куртене, В.Бетц, У.Вайнрайх, Л.П.Ефремов, Н.С.Авилова, Э.Хауген, Б.Н.Забавников, В.В.Виноградов, Г.Г.Тимофеева каби тилшуносларнинг ишлари билан боғлиқ. Ўзлашмалар ҳақидаги дастлабки фикрлар узоқ даврларга бориб тақалади. Жумладан, Платоннинг “Кратил ёки исмларнинг тўғрилиги ҳақида”<sup>9</sup> ги диалогда ҳам сўз ўзлаштириш ҳақида маълумотлар мавжуд.

Рус тилида эса бу мавзу тарихи ҳақида тугал фикр-мулоҳазаларни Л.П.Ефремовнинг номзодлик диссертациясида учратиш мумкин. У сўз ўзлаштиришнинг асосий белгиларини таҳлил қилган, сўз ўзлаштириш ва калькалаш ҳодисаларини фарқлашга уринган тадқиқотчи ҳисобланади<sup>10</sup>. Ўтган асрнинг 60-йиллардаги тадқиқотларида “сўз ўзлаштириш”, “ўзлашма” терминларининг ишлатилиши ўзига хос паллага кирди. Бу билан боғлиқ масалалар Л.П.Крисин<sup>11</sup>, А.В.Шчерба<sup>12</sup>, В.М.Аристова<sup>13</sup> нинг илмий тадқиқотларида ҳам таҳлилга тортилган.

Турли олимларнинг ўзлашмалар мавзусида олиб борилган узоқ йиллик тадқиқотлари А.Казкеновнинг “Ўзлашма сўз онтологияси” номли монографиясида жамланиб ўрганилди. Унда сўз ўзлаштириш жараёнининг ривожланиш тарихи кўрсатиб берилди ва хронологик тартибда даврлаштирилди<sup>14</sup>.

Туркий тилшуносликда ҳам ўзлашма сўзларнинг ўрганилиши узоқ тарихга эга. Жумладан, Маҳмуд Кошғарий “...тилда мавжуд сўзлар ўрнида бошқа тил сўзини кўллашни зарарли деб ҳисоблайди”<sup>15</sup>. “Шажараи тарокима” асарида эса “...биздин бурун туркий тарих айтқанлар. Арабий лафзларини ... ва форсийни ҳам кўшуб турурлар, ... ўзларининг хуналарин ва устодлиқларини халқга маълум қилмақ учун”<sup>16</sup>, дея таъкидланади.

<sup>9</sup> Античные теории языка и стиля (антология текстов) / Под ред. О.М. Фрейденберг. – СПб.: Алетея, 1996. – С. 49.

<sup>10</sup> Ефремов Л.П. Сущность лексического заимствования и основные признаки освоения заимствованных слов: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Алма-Ата, 1959. – С. 18.

<sup>11</sup> Крысин Л.П. Иноязычные слова в современном русском языке. – М.: Наука. 1968. – С. 39.

<sup>12</sup> Щерба Л.В. О понятии смешения языков // Избранные работы по языкознанию и фонетике. Т. 1. – Л., 1958. – С. 44.

<sup>13</sup> Аристова В.М. О лексических заимствованиях из английского языка в русский язык в XVII-XVIII вв. – М.: Высшая школа. – 1978. – С. 58.

<sup>14</sup> Казкенова А.К. Онтология заимствованного слова. – М.: Флинта, 2013. – С. 9.

<sup>15</sup> Турсунов У., Ўринбоев Б. Ўзбек адабий тили тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982. – Б. 36.

<sup>16</sup> Баходирхон А. Шажарайи тарокима (Нашрга тайёрловчи Қ.Маҳмудов). – Тошкент: Чўлпон, 1995. – Б. 37.

Ўтган асрнинг 40-йилларига келиб ўзлашмалар масаласи ўзбек тилшунослигининг ўзига хос илмий муаммоси сифатида тадқиқ этила бошланди. Хусусан, арабча, форс-тожикча, русча ва бошқа тиллар кесимида Ф.Абдуллаев, Т.И.Раҳмонов, Б.Эшонкулов, Ж.Ҳамдамов, И.Асфандиёров, Э.Бегматов, А.Ҳожиёв кабиларнинг ишларида тадрижий равишда тадқиқ этилди.

Ўзлашма сўзлар луғат сифатида илк бор О.Усмоновнинг “Қисқача интернационал сўзлар луғати” (1959), кейинчалик О.Усмонов, Р.Дониёровлар ҳаммуаллифлигидаги “Ўзбек тилидаги русча-интернационал ўзлаштира сўзлар изоҳли луғати” (1965), Ё.Ҳамраеванинг “Ўзбек тилининг ўзлашма сўзлар ўқув изоҳли луғати” (2007), М.Қурбонова, М.Абжалова, Н.Ахмедова, Р.Тўлабоеваларнинг “Ўзбек тили ўзлашма сўзларининг урғули луғати” (2021) кабиларда жамланиб нашр этилди. Э.Бегматовнинг “Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари”, А.Ҳожиёвнинг “Совет даврида ўзбек адабий тилининг тараққиёти” (3-жилд) асарларида ўзлашма сўзлар тадқиқига кенг ўрин ажратилди. Шу билан биргаликда, Д.Ҳасанова, А.Тўрахожаева, У.Қўзиев, Ш.Жўраев, А.Худойкулов, Н.Исакова, Э.Давлятова, С.Рузметов кабиларнинг тадқиқотлари бевосита ёки билвосита ҳолда мустақиллик даври ўзлашмаларини ўрганишга қаратилгани билан аҳамиятли ҳисобланади. Истиқлолдан сўнг европа тилларидан тўғридан-тўғри сўз олиш жараёни жадаллашди. Бу ўзлашмалар кўпроқ инглизча сўзлар мисолида намоён бўляпти. Шундай бўлса-да, “Ўзбек тилидаги хорижий ўзлашмаларнинг меъёри ва миллийлиги масаласи маънавий-маданий соҳалар доирасида фавқулодда аҳамиятга молик эканлигини ҳамиша ёдда тутиш лозим”<sup>17</sup>.

Тадқиқотчиларнинг ишларига умумий жиҳатдан ёндашиб айтиш мумкинки, сўз ўзлаштириш билан боғлиқ муаммоларнинг замирида лексикага кўпроқ калькалаш усули асосида сўз қабул қилиш, имкони топилмаганда тилнинг ўзига хос табиати асосида ўзлаштириш йўли устувор саналади.

Бобнинг учинчи бўлими **“Ҳозирги ўзбек адабий тили лексик қатламининг генетик манбалари”** деб номланган. Ўзбек тили лексикаси генетик манбаларига кўра ўз ва ўзлашма қатлам сўзларидан иборат. “Ўзбек тили изоҳли луғати”<sup>18</sup>нинг 2020 йил нашридаги жами сўзликлар сони 32549 та бўлиб, ўз қатлам 20437, ўзлашма қатлам эса 12112 лексемадан иборат. Луғатда 29 манба тил бирликлари асосида шаклланган ўзлаштирмалар лексикага тўғридан-тўғри ёки восита тил орқали ўзлашган.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да 3549 та форсча, 3473 та арабча сўз изоҳланган. Форсча сўзларнинг ўзбек тили луғат бойлигига кириб келиш даври арабча сўзларга қараганда илгарироқ бўлиб, кўпчилиги халқ турмуш тарзи билан боғлиқ кундалик мулоқот сўзларига айланиб улгурган. Арабча ўзлашмаларнинг салмоқли қисми таълим-тарбия ва маданий-маърифий мазмундаги бирликлардир. Лексикадаги арабча сўзларнинг бошқаларидан фарқли хусусияти уларда барқарорлашган “алгоритмик” тузилишнинг мавжудлигидир. Айниқса, уларнинг манба тил жиҳатидан кўпроқ уч

<sup>17</sup> Маҳмудов Н. Ўзбек тилида ўзлашма сўзлар: меъёр ва миллийлик // Ўзбек тили ва адабиёти. 2010. 6-сон. – Б. 8.

<sup>18</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. V жилдли. – Тошкент: Ўзбекистон нашриёти, 2020.

ундошдан иборат бўлиши ҳисобга олинса, муайян қолиплар мунтазамлигида арабча асосдош ўзлашмалар ассоциацияси пайдо бўлади: *нур, анвар, тановар, мунаввар*. Бу эса лексикографияда **арабча генетик асосли ўзлашма сўзлар луғатини** тузиш мумкинлигини асослайди. Арабча асосдош сўзларнинг семантик алоқаси муайян парадигма сифатида кузатилганда яққол сезилади.

Академик А.Ҳожиёв собиқ совет даври ўзбек адабий тилининг таракқиёти билан боғлиқ ҳодисаларга баҳо берар экан, “семантик калькалаш йўли билан янги маъно ҳосил бўлиши янги маъно ҳосил қилишнинг энг асосий йўли ҳисобланади”, – дея таъкидлайди<sup>19</sup>. Э.Бегматов ўзбек тили лексикасининг *ўз база, ўзга база, калькалаш базаси*<sup>20</sup> каби уч луғавий базага таянишини, шунга кўра ўзбек тили луғат бойлигидаги сўзларни ўз қатлам сўзлар, ўзлашма қатлам сўзлар ва лексик калькалар каби секторга бўлиш ўринлилигини ёзади. Кейинги давр манбаларида ҳам айнан шундай ёндашув оммалашгани кузатилади.

XX асрнинг охирларидан бошлаб нафақат ўзбек тилига, балки собиқ иттифоқ таркибидаги туркий тилларга сўз ўзлаштиришда ҳам рус тилининг воситачилик роли пассивлашиб, тўғридан-тўғри сўз ўзлаштириш жараёни фаоллашди<sup>21</sup>. Шунга мувофиқ глобаллашув шароитидаги виртуал макон таъсирида инглизча сўзлар билан “тўйинган” Интернет феномени мотивловчи омил вазифасини бажаряпти.

Бобнинг тўртинчи бўлими **“Ўзлашма неологизмлар замонавий тилшуносликнинг ўрганиш объекти сифатида”** деб номланган. Обьектив борликдаги янги нарса-ҳодиса, яъни референт кишилиқ онгида акс этар экан, пайдо бўлган тушунча фонетик жиҳатдан шаклланиб, маъно ҳосил қилади ва сўз мақомига эга бўлади. Янги сўз – неологизм ҳисобланса-да, лексикада мустақкам ўрин олган тил бирлиги эмас. У тилнинг захира бойлигидан ўрин олиши учун маълум муддат давомида лисонийлашиш босқичида бўлади. Бундай тадрижийлик жараёни янгилик бўёғининг йўқолишигача бардавом бўлади. Дастлаб янги ўйлаб топилган ёки кашф этилган сўз **протологизм**, матбуот, веб-сайт, китобларда пайдо бўлиш, нашр этилиш давридаги сўз **прелогизм**, оммага ёйилган, кишиларнинг онгида умумий тушунча сифатида шаклланган сўз **неологизм**<sup>22</sup> саналади. Бироқ барча янги бирликлар ҳам бу босқичларни тўла-тўқис босиб ўтиб, лексикада муқимлаша олмайди. Айрим мутахассисларнинг фикрича, тилшуносликда лексик инновацияларни аниқлашнинг мукамал мезони ишлаб чиқилмаган. Бу ҳолат неологизмларни лексикага саралаш имкониятини тўғри белгилаш учун луғат тузувчи ва тадқиқотчилар орасида турлича ва зиддиятли ёндашувлар юзага келишига сабаб бўляпти<sup>23</sup>.

<sup>19</sup> Ҳожиёв А. Совет даврида ўзбек адабий тилининг таракқиёти. III жилд. III жилд. Сўз ясалиши ва лексика. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 172.

<sup>20</sup> Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари, – Тошкент: Фан, 1985. – Б. 103.

<sup>21</sup> Мирзоева Г. Английские заимствования в тюркских языках // Молодой ученый. Херсон. №12 (88) 2020. – С. 71.

<sup>22</sup> Patrizia A. Lexical Innovation in World Englishes: Cross-fertilization and Evolving Paradigms. – London: Routledge, 2018. – P. 59.

<sup>23</sup> Smyk-Bhattacharjee D. Lexical Innovation on the Internet – neologisms in blogs: – Diss. Doctor of Philosophy. – Zurich, 2009. – P. 222.

Неологизмларни ўрганадиган соҳа **неология**, луғат сифатида жамлаш ишлари билан шуғулланувчи соҳа эса **неография**<sup>24</sup> номи билан шаклланыпти. Рус тилида мазкур мавзу борасида қилинган ишлар таҳлилида **неологизм** термини дастлаб **янги сўз**, кейинчалик эса янги шаклдаги **турғун бирикма**, **эркин бирикма** ва **калькалаб олинган бирликлар**ни ҳам атай бошлади. Кейинги тадқиқотларда уларни фарқлашга уринишлар натижасида вариантдош терминлар пайдо бўлди ва уларни тартибга солиш ва унификация қилиш<sup>25</sup> муаммоси юзага келди.

XX аср бошларида ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар ўлароқ сўз ўзлаштириш жараёни жадаллашди ва тилга эътиборли жаҳид зиёлилар эса бунга ўз вақтида фаол муносабатда бўлди. Жумладан, Элбек томонидан матбуотда 550 та туркий сўз ўз муқобиллари билан бирга эълон қилинди<sup>26</sup>. Бундан кўзланган мақсад араб, форс ва рус тилларидан кириб келган ўзлашма сўз, терминларга адекват ўзбекча муқобил топиш эди<sup>27</sup>. А.Фитрат ҳам бошқа тиллардан сўз олиш услубнинг софлигига зарар беришини эътироф этди<sup>28</sup>. Мавзу ҳақидаги янгича илмий қарашлар яратилган ўқув адабиётларида ҳам акс этиб борди. Ўзбек тилида неологизмларни илмий планда ўрганиш асосан XX асрнинг 60-йилларидан бошланди. Кейинги даврларда мавзу билан алоқадор мақола, диссертациялар кўзга ташланса-да, ўзбек тилшунослигида бевосита неологизмлар масаласини ўрганишга бағишланган махсус илмий тадқиқот иши яратилмади.

Диссертациянинг “**Ўзбек тилидаги замонавий ўзлашмаларнинг типик турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари**” деб номланган иккинчи бобининг биринчи бўлими “**Термин неологизмлар ўзлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари**”га бағишланган. Ҳозирги термин неологизмларнинг аксарияти, асосан, объектив борлиқда пайдо бўлаётган янги референтлар билан боғлиқ бўлиб, шаклланаётган соҳа майдонини тўлдираётган – кумулятив вазифа бажараётган бирликлардир.

Е.А.Юхмина инглизча компьютер терминларининг рус тили лексикасига адаптациясини ўрганар экан, уларни *график*, *фонетик*, *семантик* ёки *ясамалик* хусусияти талқинида текширади. Орфографик жиҳатдан эса ўзлашмалар лексикага график қайта шакллантирилган (*frame* – *фрейм*) ёки график қайта шакллантиришсиз (Windows XP) ҳолда ўзлаштирилаётгани таҳлил этилади<sup>29</sup>.

Д.Саидқодированинг тадқиқотида ўзбек тили интернет терминологиясининг 54 фоизини ўзлашмалар ташкил этиши аниқланган. Шунингдек, у ўзлашма терминларнинг ўзбекча муқобили билан берилишини *тезкор хотира* – *main memory*, *тармоқ чоки* – *network wearing*, *электрон арава*ча – *shopping cart*

<sup>24</sup> Попова Т.В. Русская неология и неография. – Екатеринбург: ГОУВПО УГТУ-УПИ, 2005. – С. 11.

<sup>25</sup> Костомаров В.Г. Языковой вкус эпохи. Из наблюдений над речевой практикой масс-медиа. – М.: Златоуст, 1994. – С. 170.

<sup>26</sup> Бобомуродова Ш. Ўзбек тилшунослиги ривожига Элбекнинг роли: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент: 2002. – Б. 15.

<sup>27</sup> Бобомуродова Ш. Ўша асар. – Б. 15.

<sup>28</sup> Фитрат А. Танланган асарлар. V жилдди. IV жилд: дарслик ва ўқув қўлланмалари, илмий мақола ва тадқиқотлар. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б. 47.

<sup>29</sup> Юхмина Е.А. Адаптация англоязычных компьютерных терминов к лексической системе русского языка: Дисс. ... канд. филол. наук. – Челябинск: 2009. – С. 11.

*program* мисоллари асосида кўрсатган<sup>30</sup>. Албатта, ўзлашма терминларни ўз тил захира бойлигидан фойдаланган ҳолда яратиш тил равнаки учун истиқболли йўл сифатида қаралади.

Асли инглизча сўз ҳисобланган *аутентификация* термини ўзбек тилига рус тили орқали ўзлаштирилган. Унинг график ва фонетик жиҳати асл манба тилдаги шаклидан узоқлашиб, рус тили хусусиятлари асосида қайта ифода топган. Ахборот технологиялари соҳасига доир кўплаб терминларда ҳам шунга ўхшаш русча шаклланишларнинг тажаллилари учрайди. Бу ҳолат айнан дунё миқёсида байналмилаллашаётган инглизча сўзлар билан боғлиқ экан, терминология ва уни стандартлаштириш тамойилларига ҳам номувофиқлиги ўртага чиқади. Бизнингча, бу каби терминларни русча шаклини ўзлаштиришдан кўра тўла калькалаш усули асосида қабул қилиш тўғри бўлади. Мазкур термин инглизча *authentication*, туркча *kimlik doğrulama* (шахсни текшириш), арабча *تصديق* (тасдиқлов) каби муқобилларига эга. Ҳатто инглиз тилига бевосита қариндош европа тиллари доирасида ҳам бу сўзнинг ярим калькалашлар асосида қабул қилинган вариантлари учрайди. *Идентификация* терминидан фарқли ўлароқ *аутентификация*нинг замирида “шахсни тасдиқлаш” тушунчаси ётар экан, тасдиқланадиган шахс маъносида **тасдиқшахс** терминини муқобил вариант сифатида истеъмолга киритиш мумкин.

Бундан ташқари, нутқда фаол ишлатилаётган *веб-хостинг*, *виртуал хостинг*, *бирмунча юмшоқ хэндовер*, *хакер* терминларини ўзлаштиришда ҳам ўзбек тилининг фонетик ва стилистик хусусиятлари ҳисобга олинмаган. Рус тилига қараганда фонетик имконияти кенг бўлган ўзбек тилида инглизча сўзларни аслиятга мос ёки яқин товушлар асосида ўзлаштириш имкони мавжуд.

Бобнинг иккинчи бўлими **“Нейм неологизмлар бизнес тилини яратувчи восита сифатида”** деб номланган. Мустақиллик йилларида апеллятив лексика билан бир қаторда ономастик лексикада ҳам сезиларли ўзгаришлар бўлди. Бу бир томондан хорижий тил неймларининг луғат бойлигимизга ўзлаштирилиши билан алоқадор бўлса, бошқа томондан лексикадаги захира сўзларнинг нейм даражасига олиб чиқилиши билан боғлиқдир.

*Нейминг* термини XIX аср охирларида муомалага кирди ва маркетинг соҳасидаги номлаш жараёни маъносида ишлатила бошланди. *Нейм* эса бу жараёндаги объект, муассаса, маҳсулот ва уларнинг брендига нисбатан кўйилган ном тушунчасини олди. Сўнгги пайтларда *нейминг* фаолияти исм танлаш санъати<sup>31</sup> даражасига кўтарилди. Д.Лутфуллаева ва М.Сапарниязовалар унга шаклланиб келаётган соҳа сифатида қарайди ва истиқболли йўналишлари ҳақида ўз муносабатларини билдирадилар<sup>32</sup>. Нейминг фаолияти кўпроқ амалий характер касб этса-да, назарий жиҳатдан брендлаш ҳақидаги фандир. Унинг функцияси тилшунослик нуктаи назаридан бошқарилади, номинация жараёни натижаси эса, асосан, маркетинг учун хизмат қилади.

<sup>30</sup> Саидқодирова Д. Инглиз ва ўзбек тилларида интернет терминларининг лингвистик тадқиқи: Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – Б. 15.

<sup>31</sup> Елистратов В.С., Пименов П.А. Нейминг: искусство называть. – М.: Омега-Л, 2014. – С. 4.

<sup>32</sup> Лутфуллаева Д., Сапарниязова М. Нейминг: тилда ном яратиш технологияси // Ўзбекистонда хорижий тиллар. – 2020. 6-сон (35). – С. 8.



Маркетингда бу жараён турфа маданиятли номлаш моделларига таяниб иш тутади. Бироқ бунда давлат тилининг миллий манфаатлари устуворлик касб этиши лозим. В.Кожанова неймларни таҳлил этар экан, "... Сўз ташиётган маълумотлар бир неча даражада: ментал ва эмоционал, онгли ва онгсиз ҳолатда яратилади<sup>33</sup>", – дея таъкидлайди.

Нейминг мураккаб вазифага эга фаолият, миллий манфаат устувор нейм ижод этиш эса тил учун муҳим ҳодиса ҳисобланади. **"UstaTop"** (қурилиш агентлиги) нейм неологизми ижтимоий тармоқларда пайдо бўлган ва ёйилган номдир. Унда миллийлик, оригиналлик ва замонавийлик хусусияти мавжуд. **Миллийлиги** шундаки, нейм таркибидаги *уста* ва *топ(моқ)* лексемалари халқнинг умумистеъмол сўзлари доирасидан танлаб олинган. *Уста* сўзи генетик жиҳатдан форсча бўлса ҳам, бугунги кунда асл туркий тил сўзи сингари тилимизга сингишиб кетган ва осон тушунилади: *ustatop* – *моҳир устани топ*. **Оригиналлиги** эса қўшма сўзнинг иккинчи аъзоси инглизча сўз (*top* – *энг юқори*) маъносига ҳам талқин қилиниши мумкин: *ustatop* – *энг маиҳур уста*. **Замонавийлиги** нейминг жараёнида инглизча бўлса ҳам, ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари учун таниш ва айтишга осон (*top*) сўздан фойдаланилгани билан характерланади. Муҳими, бунда халқ тилидаги (*уста*) калима янги ўзлашма (*top*) сўз билан деривация ҳосил қилган. Маркетинг соҳасидаги нейминг жараёни учун айнан мана шундай неймлар каби тилимизга янги инновацияларни олиб кириш вазифа сифатида қўйилиши керак.

Неймлар орасида фаол қўлланаётган *"Havas"*, *"Nursof"*, *"Baraka market"* (савдо маскани), *"Шифо Нур"*, *"Чаши Гавҳар"*, *"Шифо Нур Кўз"* (шифо маскани), *"Ravon"* (автомобиль номи) кабиларнинг тилимиз миллий табиатига мувофиқлиги сезилиб туради. Айниқса, *"Ecobozor"*, *"Яшил Бозор"*, *"Korzinka"* нейм неологизмлари жарангдорлиги, образлилиги, айтилиш жиҳатдан қулайлиги ва инновацион номга эгаллиги билан ҳам миждозларни ўзига жалб қила олади.

*Smart* (ақлли), *"Bob's red mill"* (Бобнинг қизил мегирмони), *"Viko"* (эпоним ёки компания номи) каби неймларни танлашда моҳиятдан узоқлашиш ҳолатлари бор. *"City market"*, *"Life market"*, *"Foods market"* неймлари манба тил эгалари учунгина муносиб номдир. Улар ўз манба тилида қанчалик жарангдор бўлмасин, танланган ном ҳам, унинг белги ёки ҳолатини ифодаловчи бирлик ҳам реципиент халқнинг когнитив тафаккуридан узоқда қолаверади. Бундан ташқари, маъносини махсус луғатлар орқалигига аниқлаш мумкин, бироқ танлашдан кўзланган мақсад мавҳум қолаётган *"Andalus"* (ўрта асрларда Испанияга араблар томонидан берилган ном), *"Carrefour"* (французча *чорраҳа*), *"F-market"* каби нейм неологизмлар ҳам учрайди.

Бобнинг учинчи бўлими **"Атама неологизмлар ўзлашишининг ўзига хос хусусиятлари"** деб номланган. Лексикада терминлар ва касб-хунар сўзларидан силжиб, истеъмол доираси чегараланмаган сўзлар қаторида ишлатилаётган бирликлар ҳам мавжудки, бундай янги сўзларни атама

<sup>33</sup>Кожанова В.Ю. Лингвистические основы наименований брендов (на примере английского и русского языков): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Краснодар, 2007. – С. 13.

неологизм номи остида ўрганиш мумкин. Аниқроқ айтганда, атама неологизмларнинг асосий манбаси актуал лексикага алоқадор бўлади.

Атама неологизмлар ўзбек тилида, айниқса, замонавий тезпишар таомлар номи, маиший техника жиҳозлари номи ва бошқа луғавий-мавзувий гуруҳлар сифатида шаклланыпти. Ўзлашаётган манба тил сўзлари кўпроқ инглизча бўлса ҳам, айримларининг ўзбек тили луғат бойлигига рус тили воситачилигида кириб келаётгани кузатилади. Шунингдек, калькалаш усули билан яратилаётган ўзлаштиришлар ҳам учрайди. Сўнгги йиллар ичида муайян микросистема сифатида шаклланиб улгурган, бироқ хануз ўзбекча луғатлардан ўрин олмаган замонавий таом номлари тадқиқотчилар томонидан алоҳида ва махсус ўрганишни талаб этади.

**Фастфуд** (*fast food* инглизча *тезпишар таом*) замонавий тезпишар таомларнинг умумий номи бўлиб, жинс-тур муносабати асосида ички бўлинишларга эга. Ҳозирги пайтда *сэндвич, чикен, лонг чикен, бургер, пицца, хот-дог, наггетс, хачапури, картошка фри* каби кўплаб таом номлари халқ тилида фаол қўлланыпти.

**Хот-дог** сўзи ҳам рус тили орқали ўзлашган сўз ҳисобланади. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да мазкур сўз мавжуд эмас, 2013 йил нашридаги лотин алифбосига асосланган “O‘zbek tilining imlo lug‘ati”да эса русча график шаклда (*hot-dog*<sup>34</sup>) акс этди. Бу шакл ўзбек тили орфографияси учун қулай эмас. Негаки, унинг инглизча (*hot dog*; баъзан *hotdog*) имлосида чизикча иштирок этмайди. Рус тилидан фаркли ўлароқ, ўзбек тилида бўғиз товушининг мавжудлиги манба (инглиз) тилдаги бу каби сўзлар фонетик ва график хусусиятларининг тилимизда кенгроқ ифодаланиш имконини беради. Қисқача айтганда, ўзлашмани *хотдог/hotdog* кўринишида луғатларга киритиш унинг манба тилдаги график шакли билан бир хилликни таъминлайди. Асли русча бўлмаган сўзларнинг шу тил орқали ўзбек тили лексикасига ўзлаштирилиши орфографияда айрим муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бундан ташқари, ксенизм сифатида ёйилаётган *pizza, boutique, cheeseburger, chickenburger* график шакллариининг бугунги кун имло амалиётига салбий таъсири ҳам сезиляпти. Яна кўплаб таом номлари ҳам ўзбек тилига рус тилининг фонетик, орфографик ёки орфоэпик қоидалари асосида муқимлашмоқда. Бу каби сўзларни ўзбек тили табиатига мувофиқ калькалаш, содда шаклда имлосини белгилаш асосида луғатларга киритиш зарур бўлади.

Атама неологизмлар орасида туркча *пахлава* (усмонли туркча *باقلوا*), грузинча *хачапури* (*хатчо пури* – *пишлоқли нон*) каби таом номлари ҳам учрайди. *Пахлава* сўзи рус тили орқали ўзлашгани сабабли ҳам ўзининг аслиятидаги шаклидан узоқлашган. Унинг турк тилидаги (*baklava*) график шакли инглиз, француз ва қатор европа тилларида ҳам кенг тарқалган.

Таассуфки, XX аср бошларидан XX аср ниҳоясигача бўлган давр оралиғидаги сўз ўзлаштириш жараёнида рус тилининг эталон тил сифатида кучли шакллантирилгани, синчков назорат остида ўзбек тили сатҳлари кескин ўзгаришга учрагани оғрикли нуқта сифатида ҳис қилиниши керак. Тилшунос олим Ғ.Зикриллаев тўғри таъкидлаганидек, “Жамиятнинг талаби

<sup>34</sup>Madvaliyev A., Begmatov E. O‘zbek tilining imlo lug‘ati. – Toshkent: Akademnashr, 2013. – B. 453.

мустамлака халқларни руслаштириш бўлиб уларнинг тилини рус тилига яқинлаштириш эди. ... Луғавий олинмалар икки тиллилик шароитида тилларни, шунингдек, халқларни яқинлаштириш воситаларидан бири бўлади деб рус тилидан сўз олиш тарғиб қилинди”<sup>35</sup>.

Н.Исакова мустақиллик йилларида ўзбек тилига кирган хорижий сўзларни “Халқ сўзи” газетаси мисолида ўрганган. Унинг хронологик-статистик таҳлилида ўзлашмалар 1991-1996 йилги нашрларда 5 фоиз, 1997-2015 йилги нашрларда 45 фоиз, 2016-2018 йил нашрларда 55 фоиз<sup>36</sup> учраши аниқланган.

Диссертациянинг “**Ўзбек тилидаги замонавий ўзлашмалар семантикаси ва трансформацияси**” деб номланган учинчи бобининг биринчи бўлими “**Янги давр ўзлашмаларининг семантик таракқиёти**”га бағишланган. Н.Трифенова рус тилидаги иқтисодиёт соҳасига оид инглизча ўзлашмаларнинг семантик хусусиятларини статистик жиҳатдан ўрганган. Олима аксарият ҳолларда манба тил сўзларидаги маъно ҳажмининг реципиент тилда ўзгаришсиз қолгани, торайгани, шунингдек, фақат муайян қисмининггина маъноси кенгайганини эътироф этади. Статистик маълумотларда манба тилдаги маъноларни сақлаб қолган ўзлашмалар 47 фоиз, маъноси кенгайган ўзлашмалар 46 фоиз, маъноси торайган ўзлашмалар эса 7 фоиз<sup>37</sup> ни ташкил этган.

Ўзбек тилшунослигида Т.Раҳмоновнинг “Ҳозирги ўзбек тилидаги арабча ўзлашма сўзларнинг семантик тузилишидаги ўзгаришлар” номли диссертацияси арабизмларни алоҳида майдон сифатида ажратиш, уларнинг семантик таракқиётини аниқлаш мақсад қилингани<sup>38</sup> билан аҳамиятлидир.

Ўзлашма сўзларнинг семантик тузилиши мураккаб бўлиб, улар кенгайиш, торайиш каби ҳодисалар негизида таракқий этади. Албатта, булар тилнинг стихияли ўзгаришларига асосланади ва луғавий маънонинг сифат ва миқдор жиҳатлари билан боғлиқ ҳолда шаклланади. Шунга кўра ўзлашма сўзларнинг семантик тузилишидаги ўзгаришларни янгиланадиган изоҳли луғатларда мунтазам акс эттириб бориш учун эҳтиёж мавжуд.

*Дрон* сўзи ўзбек тилидаги мавжуд луғатларда учрамаса-да, халқ сўзлашув тилида фаоллашган ўзлашмалар қаторига киради. Лексема референтининг пайдо бўлиши ўзбек тилидан фойдаланувчилар учун ҳам, бошқа кўплаб тил эгалари учун ҳам узоқ даврларга бориб тақалмайди. Унинг манба тил луғатларида кўпроқ тўрт маъноси кўрсатилган: 1) бир маромдаги паст овоз, ғўнғиллаш; 2) ердан бошқариладиган, хусусан, нишонда турган объектни зарарсизлантириш ёки кузатув жараёни учун фойдаланиладиган учувчисиз учиш аппарати; 3) эркак ари; 4) текинхўр одам<sup>39</sup>. Тилимиздаги *дрон* сўзи орқали ҳосил қилинадиган тушунча лексеманинг иккинчи маъноси асосида шаклланган. Унинг юзага келишига омил бўлган референт сифатида “эркак ари” денотатининг асос қилиб олиниши мантиқан тўғри бўлади. *Дрон*

<sup>35</sup>Зикриллаев Ғ. Руҳ ва тил. – Тошкент: Фан, 2018. – Б. 24.

<sup>36</sup>Исакова Н. Мустақиллик йилларида ўзбек тилига кириб келган хорижий сўзларнинг таркибий-мазмуний таҳлили (“Халқ сўзи” газетаси материаллари асосида): Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) ... дисс. – Самарқанд, 2020. – Б. 75.

<sup>37</sup>Трифенова Н.С. Модификация значений при заимствовании экономической лексики из английского языка в русский // Филологические науки. Вопросы теории и практики. – 2017. – №11-3 (77). – С. 168.

<sup>38</sup>Раҳмонов Т. Ҳозирги ўзбек тилидаги арабча ўзлашма сўзлар семантик тузилишидаги ўзгаришлар: Филол. фан. номз. ... дисс. – Наманган: 1994. – Б. 8.

<sup>39</sup><https://dictionary.cambridge.org/dictionary/english/drone>

лексемаси ўзлашар экан, унинг луғавий маъно миқдори жиҳатидан торайиши кўринса-да, сифат жиҳатидан кенгайгани сезилади. Лексеманинг манба тилдаги бошқа маъноларини ўзлаштиришга эса эҳтиёж йўқ. Улар ўзбек тилининг луғат бойлигида ўзининг алоҳида шакл ва мазмунига эга. Ҳозирда ўзлашманинг нафақат мудофаа саноати, балки қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, темир йўл, маданият ва бошқа соҳалар доирасида ҳам ишлатилишини биргина маъно ҳажмининг сифат жиҳатидан кенгайиши талқинида қабул қилиш мумкин. Шунга кўра денотатни биргина соҳа билан чегаралаб қўйиш тўғри эмас. Ўзбек тили луғатларида лексема “вазифасига кўра турли соҳаларда фойдаланишга мўлжалланган, автоматик ёки масофадан бошқариладиган кичик ҳажмдаги учувчисиз учуш аппарати” семемаси билан кўрсатилиши керак.

Кейинги даврда пайдо бўлган ўзлашмалардаги семантик ўзгаришлар таҳлиллардаги кўплаб сўзлар мисолида аниқ кўринади. Хусусан, *колумнист*, *саммит*, *хаки*, *тьютор* кабиларнинг манба тилдаги маъноси торайган бўлса, *хакер* лексемасининг ифода семаси бўртган, луғатдаги ҳосила маъно сифатидаги иккинчи маъно бош маъно даражасида шаклланган.

Диссертация учинчи бобининг иккинчи бўлими “**Янги давр ўзлашмаларида семантик трансформация**” деб номланади. Изоҳли луғатдаги истиқлол даври ўзлашмаларининг маъновий тараққиёти бир хил кечаётгани йўқ. Улар ўз имкониятларидан келиб чиқиб, семантик эволюциянинг турли даража ва босқичларида шаклланиб борапти. Айримлари аллақачон кўп маъноли сўз сифатида ўз тасдиғини топган бўлса, баъзилари эса кишилиқ онгида янги тушунча ҳосил қилиб, семантик қайта шаклланиш арафасида, аниқроғи, моносемантик босқичдан полисемантик поғонага томон ҳаракатланаётган бирликлардир. Масалан, изоҳли луғатда *презентация*, *файл*, *пейжер*, *пейжинг* каби сўзлар моносемантик, *аут*, *дисконт*, *колорит*, *овал*, *репетитор*, *хакер*, *хаки*, *холл* каби ўзлашмалар эса полисемантик хусусиятга эга. Нутқда фаол бўлган *видеоролик*, *дрон*, *бестселлер*, *букмейкер* каби кўплаб ўзлашма сўзлар учрайдики, уларнинг изоҳли луғатлардан жой олиши, семантик жиҳатдан муносиб тавсифлаш долзарб бўлиб турибди.

Лексикада ўзлашмаларнинг семантик трансформацияси масаласи мустақилликкача ва мустақилликдан кейин яратилган изоҳли луғатлардаги бирликлар қиёсида ойдинлашади. Қиёслашлар натижаси ўзлашмаларнинг ном кўчиш усуллари, асосан, метафора асосида юз беришини кўрсатади. Ҳосила маъно тараққиётини *аккредитив*, *гравюра*, *диск* каби сўзлар таҳлилида ҳам кузатиш мумкин.

Ўзлашмаларнинг хусусиятларидан яна бири уларнинг гуруҳ-гуруҳ ёки муайян система – бутунлик доирасида лексикадан ўрин олиши. Тизим таркибидаги биргина сўзнинг янги луғат бойлигида муқимлашиши шу система ичидаги сўзларни ўз атрофида ўринлашиши учун эҳтиёж яратади. Масалан, *криптовалюта* сўзи, *блокчейн*, *форжинг*, *биткоин*, *майнинг*, *майнер* (шунингдек, калькалаб олинган *рақамли валюта*, *электрон ҳамён*) кабилар билан боғланади.

Ҳосила маъно тараққиётини *аккредитив*, *гравюра*, *диск*, *фон* каби сўз маъноларининг тадрижий ривожланишида ҳам кузатиш мумкин. *Фон*

лексемасининг семемасини “тасвир бўёқларидан ажралувчи ранг” ифодаси орқали кўрсатиш мумкин. Шаклдошлик хусусиятига эга бўлган “фон” (*фр. fond < лот. fundus* – асос, таг, замин) сўзининг мустақиллик даври нашридаги изоҳли луғатда уч маъноси берилган. Эски нашрдаги изоҳли луғатда эса унинг икки маъноси изоҳланган. Унда бош маъно сифатида “сурат чизиладиган (солинадиган), бирор нарса тасвирланадиган, сурат бўёқларидан ажралиб турадиган асосий ранг”, шунингдек, “кўзга ташланиб турган кимса ёки нарса орқасидаги кўриниш; асосий расм, сурат ортидаги манзара” кўринишидаги икки тушунча берилган. Янги нашр луғатида эса бу икки тушунча тилда алоҳида маъно сифатида шаклланиб етгани нуқтаи назаридан бош ва ҳосила маънолар сифатида ажратиб берилган. “Кўчма умумий шароит, вазият, муҳит” изоҳи эса сўзнинг учинчи маъносига чиқарилган. Бош ва ҳосила маънолар ўртасида ном кўчиши “*ортидаги манзара*” семаси асосида кечган.

Диссертация учинчи бобининг учинчи бўлими “**Янги давр ўзлашмаларида трансформацион даражаланиш**” деб номланади. Истиқлол даври ўзлашмалари лексикада салмоқли миқдорда бўлиб, уларнинг трансформацион даражаланишини ўрганиш ҳам долзарб масала ҳисобланади. Ўзлашмалардаги семантик даражаланиш манба тилдаги этимологик (генетик) маънони реципиент тилда сақлаш мезонига асосланади. Албатта, бунда ҳам тадрижийлик мавжуд бўлиб, даражаланиш лексемаларнинг семантикаси асосида воқеланади. Трансформацион даражалашга турлича ёндашиш имконияти мавжуд бўлса ҳам, ўзлашмалардаги бу ҳодисанинг таҳлил жараёни учун **асос маъносида қўлланивчи лексемалар, асос маъноси қисман ўзгарган лексемалар ҳамда асос маъносидан узилган лексемалар** сифатида фарқлаб ўрганилиши текшириш йўлини осонлаштиради.

Асос маъносида қўлланивчи ўзлашмаларнинг, ўзбек тилида моносемантик ёки полисемантик хусусиятга эга бўлишидан қатъи назар, бош (тўғри) маъноси манба тилдаги генетик маъносига таянган ҳолда шаклланган бўлиши талаб этилади. Бироқ бу жараёнда воситачи тилнинг ҳам таъсири мавжуд. Сўзнинг генетик маъноси доимо манба тил бирлигига қараб белгиланади. Генетик маъноси деганда сўзнинг бугунги кунда луғатларда қўлланаётган маъноси назарда тутиляпти. Бироқ бунда сўзнинг этимологик маъноси акс этиши ёки акс этмаслиги қатъий белгиланмайди. Масалан, инглизча *дисплей, файл, имиж, караоке, коттеж* сўзларининг луғатларда ифодаланган маъноси манба тилдаги асос маъносига бевосита алоқадор, кескин ўзгаришга учрамаган. Лексикадаги асос маъносида қўлланивчи лексемаларни ажратиш тадқиқотчи учун мураккаб вазиятни ҳосил қилмайди. Уларни белгилаш сўзнинг этимологик маъноси билан реципиент тил луғатидаги денотатив маъно яқинлигига асосланади. Айрим ўринларда уларни этимологик маънога таяниб талқин этиш кўникмаси ҳам шаклланган дейиш мумкин. Бироқ бундай ҳолат сўзнинг аниқ маъноси ҳақида доимо тўғри тасаввур ҳосил қилади, деган хулосани бермайди.

Асос маъноси қисман ўзгарган лексемалар ўз этимологик маъносига бевосита эмас, балки билвосита боғланади. Бу ҳолат сўз генетик (ҳозирги) маъносининг этимологик маънога алоқасини тиклаш учун лексеманинг

маъно ҳажми тараққиётидаги ўзгаришларга асосланади. Гарчи сўзнинг бугунги бош маъноси ўзи асосланадиган этимологик маънони у ёки бу даражада такрорламаса-да, улар орасидаги муштаракликни мантикий жиҳатдан тиклаб олиш мумкин. Масалан, *пикап* сўзининг инглизча асоси *pick, pick up* – *кўтариш* тушунчасида, “юк ва одам ташишга ихтисослашган очик кузовли автомобиль” маъносини билдиради. Сўз этимологиясидаги “кўтариш” тушунчасининг луғатдаги генетик маъносида акс этган “ташиш” референтининг ўзаро интеграцияси мавжуд. Айнан ана шу аналогия асосида сўзнинг маъно ҳажми қайта шаклланган. Бу каби асос маъноси қисман ўзгарган бирликларни бошқа ўзлашмалар таҳлилида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, инглизча *мультимедиа (multimedia)* сўзи келиб чиқишига кўра *мульти-...* – *кўп* ҳамда лотинча *media, medium* – *ўрта, марказ* тушунчаларига асосланган, сўзнинг бугунги кун луғатидаги “ахборот узатишнинг технологик ва ранг-баранг воситалари” бош маъноси ҳам этимологик маънога алоқадорликда шаклланган. Фақат улар орасидаги алоқа ўзига хос мураккабликларга асосланган. Бундай ҳодисаларни *блуминг, триллер, спикер, брифинг* каби мисоллар асосида ҳам кузатиш мумкин. Асос маъноси қисман ўзгарган лексемалар манба тилдаги луғавий манбасидан тўла узилмаган ҳамда уни етарлича сақлаб қололмаган бирликлар бўлиб, асос маъносида қўлланувчи ва асос маъносидан узилган лексемалар орасида оралик учинчи вазифасини бажаради.

Асос маъносидан узилган лексемалар манба тилдаги этимологик маъносидан анча йироқлашган бўлиши билан бирга, улар орасидаги ўзаро муносабат махсус этимологик таҳлиллар натижасидагина аниқлашади. Масалан, французча *пикет* сўзи этимологик жиҳатдан *қозиқча* маъносини ифодалайди. Унинг бугунги кунда ҳарбий соҳада “кам сонли соқчилар отряди” ёки “иш ташлаш юз берган жойда қоровуллик қилиб юрувчи ишчи гуруҳ”, бундан ташқари, сиёсий термин референти сифатидаги “одатда ҳукумат идоралари олдида бирор нарсадан норозиликни ифодалаш учун қўйиладиган вакиллар гуруҳи” маъноларига ҳам алоқадорлиги сезилмайди.

**“Ўзбек тилидаги янги ўзлашмаларнинг лексикографик талқини муаммолари”** сарлавҳали тўртинчи бобнинг биринчи бўлими **“Ўзбек тилидаги янги ўзлашмаларнинг лексикографик тавсифи масалалари: муаммолар ва вазифалар”** деб номланган. Умумий луғат ва ўқув луғатлари узвийликдаги лингводидактик воситалар, улар таълим ва тарбия жараёнида ўзининг муштарак жиҳатларига эга. Бироқ лексикографлар ўқув луғатларнинг яратилиши том маънода умумий луғатларга асосланиб қолмаслиги лозимлигини таъкидлайдилар. Б.Баҳриддинова ўқув луғатининг хусусиятлари, уни яратишда қандай мезонлар устуворлик қилиши, асосий вазифалари, умумий луғатлардан фарқини кўрсатиб берар экан, “бугунги кунда замонавий типдаги янги авлод антропоцентрик ўқув луғатларининг янги-янги жанрларини яратиш назарияси ва амалиёти билан шуғулланмоқда”<sup>40</sup>, – дея таъкидлайди.

Дарҳақиқат, эски нашрдаги (1981) “Ўзбек тили изоҳли луғати”нинг шакллантирилиши даврнинг ўзига хос цензура ва талабларидан холи

<sup>40</sup>Баҳриддинова Б.М. Ўзбекистонда ўқув луғатчилиги: лингвистик асослари, тарихи ва истиқболлари: Филол. фан. ... доктори (DSc) дисс. – Самарқанд, 2020. – Б. 21.

бўлмади. “Мустақилликкача бўлган даврдаги ҳукмрон мафкура талабларига кўра ... қанча сўзларнинг тилимиздаги фаол лексик қатлам таркибига киришига изн берилмаган. Шунинг учун уларга илгариги икки жилдди “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (1981)да жой топилмаган эди”<sup>41</sup>.

Ўзбек тилида актуал сўзларни жамлаш ишлари тилшунос олим А.Ҳожиёв ва А.Нурмоновлар раҳнамолигида олиб борилди. Улар таркибидан кўплаб ўзлашмалар ҳам ўрин олди. Натижада ўзбек тили лексикографияси учун аҳамияти юқори бўлган “Hozirgi o‘zbek tili faol so‘zlarining izohli lug‘ati”<sup>42</sup> нашр этилди.

Изоҳли луғатларда ўзлашма характердаги полисемантик сўзнинг акс эттирилиши мураккаб жараён, айниқса, бош маъно ва кўчма маъно муносабати, бундан ташқари, кўчма маъноларнинг ном кўчиш: ўхшашлик (метафора), алоқадорлик (метонимия), бутун-қисм ёки қисм-бутун (синекдоха) ва вазифадошлик (функционимия) каби ҳодисаларга алоқадорлиги масалалари ҳам ойдинлаштирилиши талаб этилади. Ўзлашмалар маъно ҳажми кенгайиши ёки торайиши ҳодисаларида эса тилнинг турғун (статик)лиги, нутқнинг эса ҳаракатда бўлувчи (динамик) хусусиятидан келиб чиқиб иш тугилади.

Янги ўзлашмаларнинг имло масаласи ҳам луғатчиликнинг долзарб муаммоларига айланиб улгурди. Бундан ташқари, янги бирликларни луғатларга киритишда адабий тилнинг орфоэпик, услубий меъёрлари талаби ҳам устуворлик касб этади.

Ҳозирги кунда лексикографиянинг мустақил йўналиши сифатида шаклланаётган неографиянинг мақсади пайдо бўлаётган неологизмларнинг серияли луғатини яратиш боришдан иборат. Е.А.Жданованинг ёзишича, узвий кетма-кетликдаги луғатларга неологизмларнинг киритиб борилиши бирликларнинг мунтазам ҳаракатда бўлишини кўрсатади. Илк марта фойдаланишда қайд этилган, шунингдек, окказионаллик ва узуалликнинг ажралиш чизигида жойлашган сўзлар йиллик луғатларга, маълум сараланишларга асослангани эса ўн йиллик луғатларга киритилади. Фаол қўлланишда бўлганлари эса динамик луғатларда қайд этилади, натижада узус ва неографик луғатларда барқарорлашган сўзлар адабий тилнинг изоҳли луғатидан жой олади<sup>43</sup>. Динамик луғатларнинг лексика учун аҳамияти юқори, унинг юксак намунаси сифатида “XXI аср бошларида рус тилининг изоҳли луғати. Актуал лексика”<sup>44</sup> деб номланган луғат эътироф этилади.

Глобаллашув таъсири ўлароқ Интернет ва ижтимоий тармоқлар фаоллашувида ўзлашма неологизмларнинг кескин ошиши кузатилар экан, улар билан боғлиқ хаос ҳолати тилда ўз-ўзини ташкил этиш – лингвосинергетик жараёни пайдо қиляпти.

<sup>41</sup> Амонтурдиев Н.Р. Ўзбек тилининг умумий изоҳли луғатларида этнолексемалар берилишининг қиёсий таҳлили. // Андижон давлат университети. Илмий хабарнома. 2020, 5-сон. – Б. 139. Бу ҳақда батафсил қаранг: Маҳмудов Н. Ўзбек тили луғат бойлигининг ривождаги жараёнлар // Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. Республика илмий-назарий конференция материаллари. – Тошкент: 2019. – Б. 11.

<sup>42</sup> Hojiyev A., Nurmonov A., Zaynobiddinov S., Kokren K., Saidxonov M., Sobirov A., Quronov D. Hozirgi o‘zbek tili faol so‘zlarining izohli lug‘ati. – Toshkent: Sharq, 2001. – Б. 335.

<sup>43</sup> Жданова Е.А. Лексикографическая фиксация неологизмов в словарях разных типов // Вестник Нижегород. ун-та им. Н.И.Лобачевского. – 2012. – № 3-1. – С. 391.

<sup>44</sup> Складневская Г.Н., Ваулина Е.Ю., Ткачева И.О., Фивейская Е.А. Толковый словарь русского языка начала XXI века. Актуальная лексика. Под ред. Г.Н.Складневской. – М.: ЭКСМО, 2006. – 1136 с.

Тўртинчи бобнинг иккинчи бўлими “Ўзбек тилидаги янги ўзлашмаларнинг умумий изоҳли луғатларда берилиши” деб номланади. Ўзлашмаларнинг луғатлардаги бўш ўринларни тўлдириш эҳтиёжи мустақиллик даврининг имло, изоҳли ва таржима луғатларида алоҳида аҳамият касб этди. Шунга қарамасдан неологизмлик мақомидан ўтиб, лексикага қабул қилиш учун имконияти етилган бирликлар ҳам борки, уларни луғатларда акс эттириш долзарб масала бўлиб турибди. Одатда лексиканинг ўзгарувчан аспекти бу вазифанинг тўла-тўқис текширишга имкон бермаслиги билан ҳам характерлидир. Рақамли медиа орқали кузатилаётган талай ўзлашма сўзларнинг ўзбек тилидаги мавжуд луғатлардан топилмаслиги ҳам айнан шу ҳолат билан характерланади.

Умумий луғатлар сўзлиги муайян соҳа, шунингдек, айна бир қатламга тегишли сўзлар билан чекланмайди. Уларнинг муҳим хусусияти ҳам чегараланмаслигидадир. Истиклол даврида ўзбек тилининг бир неча имло луғатлари яратилди ва қайта нашр этилди. Масалан, Ш.Раҳматуллаев, А.Ҳожиёвларнинг “O‘zbek tilining imlo lug‘ati” (1995), Т.Тоғаев, Г.Тавалдиева, М.Акромоваларнинг “Ўзбек тилининг кирилл ва лотин алифболаридаги имло луғати” (1999), А.Мадвалиев, Э.Бегматовларнинг “O‘zbek tilining imlo lug‘ati” (2013)ларидан ҳам янги ўзлашма сўзлар акс этиб борди. Муҳими, янги давр ўзлашмаларига тилшунослик нуқтаи назаридан муаллифлар жамоаси томонидан яратилган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (2006-2008), А.Ҳожиёв, А.Нурмонов, С.Зайнобиддинов, К.Кокрен, М.Саидхонов, А.Собиров, Д.Қуроновлар томонидан яратилган “Hozirgi o‘zbek tili faol so‘zlarining izohli lug‘ati” (2001) ҳамда “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (2020)да муносиб тавсиф берилди.

У.Қўзиёв ўзининг “Ўзбек тилидаги изоҳли луғатларда ўзлашма сўзлар таҳлили” номли монографиясида майдон назарияси билан боғлиқ кўплаб ишларни таҳлил этади, изоҳли луғатлардаги ўзлашма сўзларни шу назарий маълумотлар асосида тасниф этади ҳамда ўзлашма сўзларни муайян лексик-семантик гуруҳларга ажратади<sup>45</sup>.

Мавжуд изоҳли луғатларда янги давр ўзлашмалари лексиканинг динамик жараёнига мос равишда акс эттирилаётгани кузатилади. Масалан, **тест** лексемаси истиклолгача бўлган изоҳли, қолаверса, имло луғатларида учрамайди. Мустақилликдан сўнг яратилган изоҳли луғатларда эса унинг икки маъноси берилган:

**ТЕСТ** (*ингл.* test – синаш, текшириш, ўрганиш) **1** *психл. пед.* Шахснинг (текширилувчининг) ақлий ривож, қобилияти, малака ва кўникмалари, иродавий сифатлари, шунингдек, унинг бошқа руҳий хусусиятларини аниқлашда, текширишда қўлланадиган қисқа стандарт топшириқлар.

**2** Муайян ижтимоий тадқиқотлар учун фойдаланиладиган материал сифатида тарқатиладиган саволнома; сўроқ варақаси<sup>46</sup>.

Айна пайтда ўзлашманинг маъно миқдори янада кенгайди. Келтирилганларга қўшимча равишда шаклланиб етилган яна икки ҳосила маънони кўрсатиш мумкин:

<sup>45</sup>Қўзиёв У. Ўзбек тилидаги изоҳли луғатларда ўзлашма сўзлар таҳлили. Монография. – Наманган, 2016. – Б. 92.

<sup>46</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. V жилдли. IV жилд. – Тошкент: Ўзбекистон нашриёти, 2020. – Б. 78-79.



3 Организмга синов таъсири юзасидан бажариладиган тадқиқот, диагностика усули (тиббиёт ва физиологияда).

4 ЭХМнинг тўғри ишлашини текширишга мўлжалланган, ечими маълум бўлган масала (компьютер техникасида).

Янги ўзлашмаларни умумий изоҳли ёки имло луғатларида акс эттириб бориш, Интернет ва ижтимоий тармоқ мунтазам фойдаланувчиларининг сўз ўзлаштириш суръатига қиёс этилганда, сезиларли даражада ортида қолаётгани билан ҳам аҳамиятлидир. Бу ҳолат, бир томондан, глобаллашув шароитида лексиканинг тез ўзгарувчан ҳолати билан боғлиқдир. Масалан, ўзаро алоқадорликдаги *лоукост*, *лоукостер* терминлари авиация соҳасига тегишли бўлиб, луғатларда учрамаса-да, ижтимоий тармоқлар доирасида фаол ишлатилмоқда. Мазкур терминлар яқин йилларда ўзлашган бўлса-да, истеъмол доираси кенгайган. Луғатда янги ўзлашмани қуйидагича изоҳлаш мумкин:

**ЛОУКОСТЕР** (ингл. *low-cost carrier* – кам харажатли ташувчи) Мижозларга паст нархли авиачипталар таклиф этувчи авиакомпания.

Янги сўзлар неологизм босқичидан ўтиб, изоҳли луғатдан жой олгач қабул қилувчи тил қонуниятлари ҳукмида бўлади ва “худди ўз сўздек табиий ва аниқ бўлиши (барг), фонетик қайта шаклланиши (каравот), грамматик сингиши (банкдан), сўз яшаш тизимида фаол иштирок этиши (тракторчи), такрор-такрор қўлланиши туфайли унинг ёт элементлиги сезилмай қолади”<sup>47</sup>. Умумий типдаги изоҳли луғатга киритилиш эҳтиёжи мавжуд ўзлашмалар миқдори талайгина. Улар қаторига *смартфон*, *меценат*, *аккаунт*, *стартап*, *хаб*, *бренд* кабиларни ҳам келтириш мумкин.

Тўртинчи бобнинг учинчи бўлими “**Ўзбек тилидаги янги ўзлашмаларнинг ўқув изоҳли луғатларда берилиши**” деб номланади. Махсус луғат бирликлари, табиийки, муайян соҳа ҳамда биргина қатламга тегишли сўзлар асосида чегараланади. Жумладан, ўқув луғатлари ҳам шулар қаторида бўлиб, илмий манбаларда умумий луғатларнинг айнан улар негизида юзага келгани айтилади. Б.Баҳриддинова ўқув луғатининг тавсифий белгилари сифатида *таълимий мақсадга йўналганлик*, *ҳажман чегараланганлик*, *тил (она тили ёки бошқа тил) ўқитиш учун мўлжалланганлик* хусусиятларини устувор деб ҳисоблайди. Шунингдек, *таълим бериш*, *маълумот бериш*, *меъёрлаштириш*, *тизимлаштириш*, *мувофиқлаштириш*, *тил ўргатиш*<sup>48</sup> ҳолатларини эса ўқув луғатининг асосий вазифаларига киритади. Албатта, кўрсатилганлар ўзлашма сўзлар ўқув изоҳли луғати учун ҳам муҳимдир. Ўқувчиларда ўзлашма сўз ҳақида маълумот олиш учун мунтазам ҳолатда эҳтиёж мавжуд бўлади. Луғат бу жараёнда дастлаб *маълумот бериш* вазифаси билан ўқувчини қаноатлантиради. *Меъёрлаштириш* эса нутқ жараёнида – оғзаки ва ёзма нутқ прагматикасида муҳим роль ўйнайди.

<sup>47</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. XII жилд. X жилд. – Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2005. – Б. 498.

<sup>48</sup> Баҳриддинова Б. Ўзбекистонда ўқув луғатчилигининг назарий ва амалий масалалари. Монография. – Қарши: Фан ва таълим, 2020. – Б. 20.

Ўқув изоҳли луғатга киритиладиган ўзлашмаларнинг танланиши муҳим жараёндир. Бу бир томондан, ўқувчиларнинг ёш даражасига кўра белгиланса, иккинчи томондан эса, бугунги кун мулоқотида ўзлашманинг актуаллиги ҳам талаб этилади. Айниқса, яратиладиган янги ўзлашмаларнинг ўқув изоҳли луғати ўқувчилар учун жозибадор бўлиши шубҳасиз. Ўқувчиларнинг луғат сўзликлари билан ишлаш жараёнида уларни манба тилдаги асоси – этимологик маъносига қиёсан ўрганиш компетенцияси шаклланади. Янги давр ўзлашма сўзларининг тил захира бойлигида катта миқдорга эга бўлиши нутқ маданиятида улардан фойдаланиш меъёрини ҳам талаб этади.

Лексикада *савдо маскани* умумий маъносидаги бирликларнинг аксарияти ўзлашма характерда бўлиб, уларнинг семантик жиҳатдан даражаланувчи парадигмаси ҳам шаклланган. Масалан, *минимаркет – маркет – супермаркет – гипермаркет* ўзлашмаларидаги муҳим маъновий фаркланиш локал семанинг ўсиши асосида юз берган. Ягона асос (*маркет*) ва (*мини-, супер-, гипер-*) префикслар воситасида градуалликнинг жозибадор кўриниши ўзбек тили лексикасида камдан-кам учрайдиган ҳодисалардан. Албатта, бу бирликларнинг морфемаларга ажралиши реципиент тил лексикаси учун аҳамиятли эмас.

“Жузъийлик”дан “кўламдорлик”кача ўсиш белгисида иштирок этувчи парадигма аъзолари ассоциатив табиатга эга, хотирада бири иккинчисини тез эслатувчи тил бирликлари сифатида ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Ўсиш жараёнида *маркет* нейтрал лексема, нутқда ўзигача ва ўзидан юқори турувчи бирликларнинг тушунчаларини ҳам прагматик жиҳатдан акс эттира олади. Замонавий савдо масканларининг фаркланишлари локал сема билан чегараланмайди. Бу жараёнда уларнинг ҳудудий формати, мижозларни қабул қилиш қобилияти, захира имкониятлари ҳам белгиловчи мезонлар каторига киради. **Савдо маскани** умумий маъносига бирлашувчи ўзлашмалар парадигмаси миқёси *лапка, ларёк, киоска, дўкон, бутик, гастроном, магазин, минимаркет, маркет, крепмаркет, универмаг, универсам, супермаркет, гипермаркет, бозор* кабилар билан кенгайишида ҳам кўринади. Улардан *бутик* сўзининг манба (инглиз) тил луғатларида қуйидаги маънолари мавжуд: 1) мўъжаз партияда тайёрланувчи, шунингдек, қимматбаҳо кийим-кечак, пойабзал ва заргарлик каби буюмлар билан савдо қилувчи дўкон; 2) реклама агентлиги тури. Бу сўз, юқоридагилар билан бирга, *айрим маҳсулот, хизмат савдосига ихтисослашган кичик мода бизнесини* ифодалаш учун ҳам ишлатилади. Ўзлашманинг бугунги кунда тилимиздаги шаклланган тушунчаси унга полисемантик жиҳатдан қараш имконини бермайди. Умуман олганда, уни ўзбек тилининг ўқув изоҳли луғатига қуйидагича киритиш мумкин:

**БУТИК** (французча *boutique* – дўкон) замонавий қимматбаҳо товарлар сотишга мўлжалланган кичик дўкон.

Янги ўзлашмаларни изоҳлаш мақсад қилинган ўқув луғатларидаги иллюстратив материалларнинг берилишида ўзига хос мураккабликлар мавжуд бўлади. Бундай ўзлашмалар тилда янги пайдо бўлгани ва Интернет дискурси орқали ёйилувчи жараёнга боғлангани учун ҳам замонавий бадий асарларда кам учрайди. Шунга кўра топиладиган мисолларнинг аксарияти рақамли медиа манбалари билан асосланади.

### **Тадқиқот натижалари юзасидан тавсиялар**

1. Бугунги кун глобаллашув шароитининг лексикага кучли таъсири ва сўз ўзлаштиришнинг фаоллашуви жараёнидан келиб чиқиб калькалаш усули сўз ўзлаштиришдаги устувор йўл сифатида танланиши лозим.

2. Ўзлашмаларни қабул қилишда рус тилининг воситачилигидан узоқлашиш масаласи ҳам вазифа сифатида белгиланиши керак. Лексикага тўғридан-тўғри сўз ўзлаштиришда ўзбек тилининг имкониятлари воситачи тилга қараганда кенгрок.

3. Ўзлашаётган сўзлар ўрнига шева имкониятларидан фойдаланишнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

4. Ўзлашма неологизмларни тўғридан-тўғри ўзлаштиришга қараганда янги сўз яшаш усуллари таяниш ҳамда тилнинг захира бойлигидаги бирликларга маъно юклаш усули ҳам истиқболли йўл саналади.

5. Ўзбек тилшунослигида ўзлашма сўзларнинг имлоси муаммоси махсус тадқиқ қилинмоғи лозим.

6. Калькалаб олинаётган замонавий ўзлашмалар ёки тилнинг миллий табиати асосида қабул қилинаётган муқобил бирликларни таълим усули асосида – она тили дарсликлари машқлари орқали семантик, имло, талаффуз ва бошқа жиҳатлари билан боғлиқ хусусиятларини сингдириб бориш ижобий натижа беради.

7. Лексикага ўзлашмаган, бироқ кундалик мулоқотда фаоллашаётган бирликларни неологизмларнинг ўзаро алоқадорликда яратиладиган даврий (серияли) луғатларида акс эттириб бориш муҳим ҳисобланади. Уларни бир бутун кейс ҳолида тўплаш лексиканинг истиқболли йўлини белгилаш учун долзарб аҳамиятга эга.

### **ХУЛОСА**

1. Замонавий ўзлашмаларнинг тилга тез сингишини бугунги дунё инновациялари неоминацияларининг лексикага осон қабул қилиш йўли сифатида тушуниш мумкин. Ўзлашмаларнинг ортиши реципиент тил лексикасининг миқдор ва сифатига кўра таъсир этиши билан характерлидир. Муҳими, актуал лексикага таъсир ўтказиш омили билан белгиланади.

2. Ўзбек тили лексик қатламининг генетик манбалари изоҳли луғатдаги лексемаларнинг умумий ҳисобига кўра статистик жиҳатдан таҳлил этилди. Бунда ўз қатлам сўзлари улуш жиҳатидан етарлича миқдорга эга, ўзлашма қатлам сўзларининг унга нисбатан ташкил этиш нисбати эса меъёр даражасида сақлангандир. Ўзлашмалар орасида форсча ва арабча сўзлар актуал лексикасида фаоллиги билан ҳам салмоқли ўрин эгаллайди.

3. Мустақиллик даври сўз ўзлаштириш жараёнида рус тилининг воситачилик роли пассивлашиб, европа тилларидан тўғридан-тўғри сўз олиш тенденцияси фаоллашгани билан характерли бўлди. Бундай ўзлаштиришларда халқаро коммуникация ва компьютер терминлари учун метатил вазифасини бажараётган инглизча бирликларнинг нисбати сезиларли даражада ўсди.

4. Тилда янги пайдо бўлган сўзлар луғатлашишига қадар ўз босқичига эга: *протологизм* – янги ўйлаб топилган/кашф этилган сўз; *прелогизм* – матбуот,

веб-сайт, китобларда пайдо бўлиш, нашр этилиш давридаги сўз; *неологизм* – оммага ёйилган, уларнинг онгида умумий тушунча сифатида шаклланган сўз. Якуний босқичдан сўнг улар луғатлашган сўз сифатида барқарорлашади ҳамда янгилик бўёғини йўқотади.

5. Сўз ўзлаштиришда рус тилининг воситачилик роли айрим соҳаларда барқарор кўринишда сақланиб қоляпти. Имкон қадар билвосита жараёндан узоқлашиш, тўғридан-тўғри манба тил сўзларини қабул қилишга ўтиш тил манфаатига қаратилган адекват йўл сифатида қаралади.

6. Ўзлашма атама неологизмларнинг лексикадаги ҳиссаси салмоқли бўлиб, бир неча луғавий-маъновий гуруҳлар юзага келган. Пайдо бўлаётган нейм неологизмларни кўпроқ ўз қатлам захира сўзлари асосида шакллантириш, зарур ўринларда дунё маданияти номлаш моделлари тажрибасига таяниш ҳам муҳим роль ўйнайди.

7. Лексикадаги ўзлашмаларнинг семантик трансформацияси мустақилликкача ва мустақилликдан сўнг яратилган изоҳли луғат бирликлари қиёсида фарқланади. Ўзлашмалардаги бундай ўзгаришлар ном кўчиш усуллари, асосан, метафора билан боғлиқ.

8. Янги давр ўзлашмаларининг трансформацион даражаланиши *асос маъносида қўлланувчи, асос маъноси қисман ўзгарган, асос маъносидан узилган лексемалар* кўринишида намоён бўлади.

9. Янги ўзлашмаларни умумий изоҳли ёки имло луғатларида акс эттириб бориш Интернет ва ижтимоий тармоқ мунтазам фойдаланувчиларининг сўз ўзлаштириш суръатидан сезиларли даражада ортида қолаётгани билан ҳам характерлидир. Уларга таянч манба сифатида серияли ўзлашма неологизмлар луғатини нашр этиб бориш ишлари ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Шунингдек, мустақиллик даври ўзлашмалари изоҳли луғатини яратиш ҳам бугунги кун учун долзарб ҳисобланади.

10. Синергетик жараёнда луғат захира бойлигида янги ўзлашма сўзлар лексемалашувининг барқарорлиги ассоциациядаги хорижий тил бирликларининг ўз атрофида бирлашишини мустаҳкамлайди. Натижада реципиент тилда ўзлашмаларнинг ассоциациявий системаси ташкил топади. Уларнинг шаклланиш меъёри ўзига хос, сифат ва миқдор белгилари даврийлик жиҳатидан фарқланади.

11. Лисоний жиҳатдан барқарорлашган замонавий ўзлашмаларнинг лексикографик жиҳати билан боғлиқ айрим муаммоли масалалар кўзга ташланади. Улар қаторига барқарорлашган истиклол даври ўзлашмаларини ўқув ва умумий изоҳли луғатларда акс эттириш, луғатларда мавжудларини эса маъно ҳажми кенгайиши ёки торайишига мувофиқ лексикографик тавсифлаш кабилар киради.

12. Тилнинг луғат бойлигида ўзлашма сўзлар ортиши билан унинг миллий табиатида айрим ўзгаришлар содир бўлади. Бу ўзгаришлар кўпроқ лексик, фонетик ва услубий сатҳлар билан алоқадор, умуман олганда, яхлит тил системасига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Бундан ташқари, улар тилга сингишар экан, тил ҳам, ўз навбатида, шу миллатнинг маданиятига таъсир этиши билан характерланади.

**SCIENTIFIC COUNCIL FOR AWARDING  
SCIENTIFIC DEGREES DSc.03/30.12.2021.Fil.70.01  
AT THE KARSHI STATE UNIVERSITY**

---

**KARSHI STATE UNIVERSITY**

**SHUKUROV OTABEK ULASHEVICH**

**ISSUES OF EVOLUTION, TRANSFORMATION AND  
LEXICOGRAPHIC INTERPRETATION OF MODERN  
BORROWINGS OF THE UZBEK LANGUAGE”  
(independence period)**

**10.00.01 – Uzbek Language**

**DISSERTATION ABSTRACT  
for the doctor of Science (DSc) on philological sciences**

**Karshi – 2022**

The theme of doctoral (DSc) thesis was registered at the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under the number B2022.2.DSc/Fil409.

The doctoral thesis was written at the Karshi State University.

The abstract of the dissertation was posted in three languages (Uzbek, English, Russian (resume)) on the web-site of the Scientific Council ([www.qarshidu.uz](http://www.qarshidu.uz)) and educational portal "ZiyoNet" ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

Scientific consultant:

Mengliev Bakhtiyor Rajabovich  
Doctor of Philological Sciences, professor

Official opponents:

Pardaev Azamat Bakhronovich  
Doctor of Philological Sciences, professor

Sobirov Abdulhay Shukurovich  
Doctor of Philological Sciences, professor

Mamatov Abdugafur Eshonkulovich  
Doctor of Philological Sciences, professor


Leading organization:

Termez State University


Defense of the dissertation will be held on "5<sup>th</sup>" December 2022 at 10 at the meeting of the Scientific Council number DSc. 03/30.12.2021.Fil.70.01 awarding scientific degrees at the Karshi State University (Address: 180103, Kuchabog street 17, Karshi city, Tel.: (0 375) 225-34-13; fax: (0375) 221-00-56; e-mail: [qarshidu@umail.uz](mailto:qarshidu@umail.uz).) Karshi State University, Building №2, Room №202.

Doctoral dissertation can be reviewed in the information-resource center of Karshi State University (registered under number 134). Address: 180103, Karshi city, Kuchabog street 17, Tel.: (0 375) 225-34-13; fax: (0375) 221-00-56; e-mail: [qarshidu@umail.uz](mailto:qarshidu@umail.uz)).

Dissertation abstract is distributed on: "23<sup>rd</sup>" November 2022  
(Register Protocol No. 20 dated "23<sup>rd</sup>" November 2022).



N.N. Shodmonov  
Chairman of the Scientific  
Council awarding scientific degrees,  
Doctor of Philological Sciences, Professor



G.N. Tojueva  
Scientific Secretary of the Scientific  
Council for awarding scientific degrees,  
Doctor of Philological Sciences,  
Associate Professor

Y. Jabbarov  
Chairman of Scientific Seminar  
at the Scientific Council  
awarding scientific degrees,  
Doctor of Philological Sciences, Professor



## INTRODUCTION (abstract of DSc dissertation)

**Relevance and necessity of the dissertation topic.** In world linguistics, since the end of the 20th century, the question of modern assimilation has become especially important for every nation that strives to preserve its mother tongue and its national nature. In the process of globalization at the international level, the Internet phenomenon has gained significant power, in turn, it has brought to light the actual problems related to the activation of interlingual word loanword and the chaotic interlinguistic spread of modern loanwords. For this reason, a lot of work is being done in world linguistics to correctly identify, describe, and create an explanatory dictionary of the alternatives of modern loanwords in the recipient language. In this process, it is important to take into account the compatibility with the national nature of the language, assimilation in the study and mastering of the newly acquired units on the basis of structural and content analysis.

In the context of intercultural globalization of world languages, scientific research is being carried out within the framework of preserving their ontological nature, ensuring the activity of their own words in the actual lexis, and preparing the algorithmic program of the language for the improving artificial intelligence. Also, the issue of word borrowing is being researched in connection with the fields of lexis, lexicology, linguistics and hybrid linguistics within the framework of new fields of neology and neography.

Most modern borrowings are entering the lexis of the Uzbek language through digital media. It is important that in the pre-independence era, the mediating role of the Russian language took the lead, while the borrowings of the new era are being stabilized on the basis of direct borrowing from European languages. Due to the fact that the process of word borrowing has been seriously activated, the need to take into account the ontological features of the Uzbek language and to accept borrowings in accordance with the national nature of the language is also increasing. “It is natural that in the current period of globalization, every nation, every independent state attaches priority to ensuring their national interests, first of all, the preservation and development of their culture, primordial values, and native language”<sup>1</sup>. Based on these tasks, in particular, the period of independence requires the need to study issues such as the interpretation of borrowed words, genetic sources of the lexical layer of the literary language, factors affecting the lexical fund, lexicographic description of borrowings, semantic development and transformation. This directly determines the relevance and necessity of the chosen topic.

Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PD-4947 of February 7, 2017 “On the Strategy of Actions for Further Development of the Republic of Uzbekistan”, No. PD-5850 of October 21, 2019 “On Measures to Radically Increase the Prestige and Position of the Uzbek Language as a State Language”, Decree No. PD-6084 of October 20, 2020 “On measures to further develop the Uzbek language in our country and improve the language policy”; The

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

scientific results of this dissertation serve to a certain extent the implementation of the tasks defined in the resolutions No. 40 of January 29, 2020 “On measures to organize the activities of the Terminology Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan”, as well as in other regulatory legal documents.

**Correspondence of the research to the priorities of the development of science and technology of the republic.** The research was carried out in accordance with the priority direction of the science and technology and innovative development of the republic I. “Formation of the system of innovative ideas in the social, legal, economic, cultural, spiritual and educational development of the informed society and the democratic state and the ways of their implementation”.

**Review of foreign research on the topic of the dissertation<sup>2</sup>.** Scientific research aimed at researching the theoretical and practical issues of borrowed words is carried out by the world’s leading scientific centers and higher education institutions, including Oxford University (England), California State University, Northern Arizona University, Northern Illinois University, (USA), Goethe Universität, Humboldt Universität (Germany), Tokyo University (Japan), Moscow State University of Linguistics, State Institute of Russian Language named after A.S.Pushkin, Pskov State University (Russia), in addition, Samarkand State University, Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi, and also, it is being conducted at Namangan State University, Institute of Uzbek Language, Literature and Folklore, Karshi State University (Uzbekistan).

In world linguistics, a number of scientific conclusions and results were obtained as a result of studies aimed at studying the borrowings in a systematic aspect, analyzing changes in their semantic structure and linguistic processes, regulating and standardizing terminological units: a comparative analysis of Russian-English borrowings was carried out (named after A.S.Pushkin Russian Language State Institute, Moscow State University of Linguistics, Russian Federation), borrowings were analyzed semantically (Pskov State University, Kazan Federal University, Russian Federation), terminological meaning and general lexical meaning relationship of borrowings were analyzed (Oxford University Language Center, England; Sorbonne College de France, France); Analysis of English borrowings in Turkish languages (Nasimi Institute of Linguistics of the Azerbaijan National Academy of Sciences, Azerbaijan), research on the ontology of borrowed words and the theory of word borrowing (Kazakh National Pedagogical University named after Abay, Kazakhstan), issues of Russian neology and neography (A.M. Gorky Ural State University, Russian Federation), interpretation of English loanwords in Ukrainian electronic media (University of Oslo, Norway), study of Arabic, Persian-Tajik loanwords in English (Khojand

---

<sup>2</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи [www.pushkin.institute.ru](http://www.pushkin.institute.ru), [www.lingvolive.com/ru](http://www.lingvolive.com/ru), [www.dictionary.com](http://www.dictionary.com), [www.merriam-webster.com](http://www.merriam-webster.com), [www.macmillan dictionary.com](http://www.macmillan dictionary.com), [www.learners dictionary.com](http://www.learners dictionary.com), [www.oxford advanced learners dictionary.com](http://www.oxford advanced learners dictionary.com), [www.en.wikipedia.org](http://www.en.wikipedia.org), [www.learnenglishkids.britishcouncil.org](http://www.learnenglishkids.britishcouncil.org), [www.multitran.ru](http://www.multitran.ru) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.



State University, Tajikistan), creation of an electronic dictionary of loanwords (Northern Arizona University, Northern Illinois University, Columbia University, USA, University of Toronto, Canada, University of Leipzig, Germany; Peking University, PRC).

In world linguistics, research is being carried out in the following priority directions regarding the solution to the problems of borrowings and their systematic study: the process of word borrowing in the lexis, the creation of a dictionary of borrowings and neologisms, the etymology of borrowings, genetic sources, semantic properties, lexicographic description, comparative analysis, and the role of Internet discourse in the context of the activation of word borrowing. , to study the issues.

**The degree to which the problem has been studied.** There are a number of studies in world linguistics devoted to the problem of borrowings. In particular, from English researchers U.Weinreich, E. Haugen, A.Patricia, R.Phillipson<sup>3</sup>, in Russian linguistics I.A.Beaudoin de Courtenay, L.P.Efremov, L.V.Shcherba, L.P.Krysin, V.M.Aristova, A.K.Kazkenova, S.Alatorseva, M.V.Tarasova<sup>4</sup>, and in the framework of Turkish languages, it was consistently studied in the works of V.A.Sycheva, S.S.Kenesbaeva, A.Ovezov, G.Mirzoeva<sup>5</sup>.

In Uzbek linguistics, the problems of foreign words were studied according to the needs of the time. Their research<sup>6</sup> continued gradually during the former Shura period according to various aspects of the field. Also, in the years of independence, the works of linguists such as T.Rakhmonov, A.Turahojaeva, U.Koziev, Sh.Juraev,

---

<sup>3</sup>Weinreich U. Languages in contact: Findings and problems. – New York, 1953. – 149 p.; Haugen E. The analysis of linguistic borrowing // Language. – New York: 1950. Volume.26, № 2, 1950. – P. 210-231.; Patricia A. Lexical Innovation in World Englishes: Cross-fertilization and Evolving Paradigms. – London: Routledge, 2018. – 174 p.; Phillipson R. Linguistic imperialism. – Oxford: Oxford University Press, 1992. – 365 p.

<sup>4</sup>Бодуэн де Куртене И.А. Избранные труды по общему языкознанию. В 2 томах. Том II. – М.: АН, 1963. – С. 365.; Ефремов Л.П. Сущность лексического заимствования и основные признаки освоения заимствованных слов: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Алма-Ата, 1959. – 22 с.; Щерба Л.В. О понятии смешения языков // Избранные работы по языкознанию и фонетике. –Т. 1. – Л., 1958. – С. 40-53; Крысин Л.П. Иноязычные слова в современном русском языке. – М.: Наука, 1968. – 208 с.; Аристова В.М. О лексических заимствованиях из английского языка в русский язык в XVII-XVIII вв. – М.: Высшая школа. – 1978. – 113 с.; Казкедова А.К. Онтология заимствованного слова. – М.: Флинта, 2013. – 248 с.; Алаторцева С.И. Проблемы неологии и русская неограния: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – СПб., 1999. – 40 с.; Тарасова М.В. Семантические изменения английских заимствований в русском и немецком языках в условия глобализации: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Белгород, 2009. –19 с.

